# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

43 (937) сон
15 — 21 октябрь 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz


5



## УМР—ҲАНГОМА ЭМАС

ёхуд гап сотувчининг харидори ким?

## АЙБИМ — АЁЛЛИГИММИ?

7






11

16



## ОШДАН ЧИҚҚАН КАЛТАКЕСАК



**Дўппингизни мен ҳам кияй, бобожон!**

Шухрат ОДИЛОВ сурат-лавҳаси.

### КЕЧА:

➔ «Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилди чоп этилди. Ундан 2005-2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга йўлланган жавоб мактубларидан намуналар ўрин олган.

➔ Украинанинг Алушта шаҳрида миллий спортимиз — кураш бўйича ўтказилган VII жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашган терма жамоамиз эркаклар ўртасидаги беллашувларда умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

### БУГУН:

➔ Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида очилган маданият, санъат ва мода йўналишидаги йирик лойиҳа — «Art Week Styly.uz — 2009» ҳафталиги давом этмоқда.

➔«Жаҳон» Ахборот Агентлиги хабарига кўра, мамлакатимизда сентябрь ойида бошланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанияси хорижий экспертлар ва журналистлари эътиборида бўлаётир.

### ЭРТАГА:

➔ Ўн уч йилдан бери ўтказиб келинаётган анъанавий Самарқанд шаҳри куни(18 октябрь)ига қадим манзил аҳли ва меҳмонлари қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

➔ Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг йигирма йиллиги (1989)га бағишланган тадбир ва кечаларни ўтказишга тайёргарлик бошланиб кетди.

## “ОБУНА — 2010”

**Муҳтарам муштарий!**
**Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улуғроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!**

**ИНДЕКС:**

**Якка обуначиларга – 176**
**Ташкилотларга – 177**



## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


| | |
|---|---|
| Аёли эъзозланган юрт | 3 |
| Қўғирчоқ қиёфасидаги қабоҳат | 4 |
| Уятчан актрисанинг «аччиғи». | 6 |
| Сув балоси урганда | 6 |
| Теледастурлар | 8–10 |
| ОИТС — бедаво дарднинг давоси борми? | 13 |
| Дугонадан дўст чиқмаса... | 14 |
| Тўёнасиз тўйга келинг | 14 |
| Битта «хот-дог»ни деб қамалган ўғри | 15 |

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ОАВ: ҚОНУННИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ УСТИВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси қонунларини ОАВларида тарғиб қилиш масалалари» мавзусига бағишланган семинарда бевосита қонунлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, суд-ҳуқуқ тизими ташкилотларининг матбуот хизмати вакиллари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Аслиддин Рустамов, Хуршид Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётида олиб борилаётганислоҳотлар парламент қуйи палатаси фаолиятида атрофлича акс этаётганлигини таъкидлашди. Миллий қадриятларимиз ва жаҳон тажрибалари асосида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва жамиятимиз ҳаётида тутган ўрнини аҳолига тушунтиришда, тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳимлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга семинарда қабул қилинаётган қонунлар тарғиботига бағишланган таҳлилий материалларнинг юртимиз оммавий ахборот воситаларида камлиги, уларнинг сифати ҳар доим ҳам талаблар даражасида эмаслиги қайд этилди. Қолаверса, .ушбу йўналиш бўйича журналистиканинг турли жанрлари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# “ГУЛХАН”ДА ТОБЛАНИБ, “ТОНГ ЮЛДУЗИ”ДЕК ПОРЛАГАНЛАР

*БОЛАЛАР НАШРЛАРИ*



Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом боғида бўлиб ўтган “Болалар матбуот байрами”да республикамиздаги энг оммавий нашрлар — «Тонг юлдузи» ва «Гулхан» журнали ўзларининг қадрдон мухлислари билан дийдорлашдилар.

Бу ўзига хос байрам тадбирида каттаю кичикнинг иштирок этиши билан бирга, ана шу икки нашр саҳифалари орқали элга номлари танилган ижодкорлар билан юзма-юз учрашув, мулоқотларига уланиб кетди.

**“Болалардан келган қоп-қоп хат-хабарларни ўқиб улгурмасдик. Шеър дейсизми, ҳикоя, эртакми, ёки бирор расм-шакл чизишса ҳам бизларга олиб келишар, узокда яшашса, мактуб орқали йўллашарди. Уларга нима деб жавоб беришга чўчиб турардик. Чунки эндигина кўнглида ижодга, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббат куртаклари кўз очаётган бу бетакрор лаҳзаларда ёшларнинг умид учқунларини сўндириб қўймаслик керак ” дердик-да...**

* * *

**“Ишонасизми, ҳозир эсласак, кулгули туюлади сизларга. Ҳатто айрим болажонлар ўзларига энг яқин сирдош сифатида ўртоқлари билан уришиб қолишса ёки суюкли мушук-кучукчалари йўқолиб қолсаям бизларга мурожаат қилишиб, хатлар ёзишарди”.**




* * *

**“Гулхан”да шеъри чиқибди, “Тонг юлдузи”да мақоласи, ҳикояси босилибди, деган хушхабарнинг қаноти бор эди. Эҳ-е, шундай пайтларда биздан бахтлироқ бола бўлмасди, гўёки бир юмалаб катта ижодкорга айланиб қолгандек сезардик ўзимизни. Энди эса у кунлар эртакка ўхшайди. Лекин биз учун неча ёшга кирган бўлсакда, бу икки нашр ҳам ниҳоятда азиз ва қадрлидир...**

Бундай самимий хотиралар ва эътирофларни байрамда иштирок этган халқимизнинг машҳур адиб ва шоирлари ҳамда зиёлиларидан эшитдик. Қувонарлиси, оддий мухлислар ҳам қадрдон газета ва журналларининг қутлуғ саксон йиллик олис ўтмиши ҳақида бой маълумотларга эга бўлдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг унутилмас хотиралари, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матчон, Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевлар фарзандларимизнинг содиқ ҳамдамига айланган “Гулхан” журнали ҳамда “Тонг юлдузи”газетасининг жамиятда тутган ўрни ва нуфузи беқиёслиги хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамда ижодкорлардан Турсунбой Адашбоев, Кавсар Турдиева, Мираъзиз Аъзам, Қамбар Ота, Ориф Тўхташларнинг шеърий қутловлари, машҳур “Булбулча” болалар гуруҳининг чиқишлари тантана иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Албатта, байрамнинг кўрки — фидойилик кўрсатганлар сийланиши билан боғлиқ деганларидек, шу куни ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар ушбу нашрларнинг бир гуруҳ ижодкорларига махсус совғаларини улашган бўлсалар, ўз навбатида “Гулхан” журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев ва “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Тўлқин Ҳайитовлар ҳам энг фаол обуначиларга аталган мукофотларни топширишди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**




# ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

## БАНДЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА

Пойтахтимиздаги «Бобур» номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ташаббуси билан шаҳримизда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Мазкур ярмаркада бевосита 180 дан ортиқ иш берувчи корхона ва ташкилотлар ўзларидаги бўш ўринлари ҳамда кўргазмалари билан иштирок этиб, жами 15000 дан зиёд умумий бўш иш жойларини таклиф этишди.

Тошкент шаҳридаги 474 та маҳаллалардан йигирма мингга яқин иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамда Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган, олий даргоҳ ва коллежларни битирган ёшлар, амнистияга тушган ва жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар қатнашдилар. Барча иштирокчиларга ўнлаб йўналишлар бўйича танлаб олган бўш иш ўринларига мувофиқ йўлланмалар берилди.

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## ШАҲАРЧАДА КЎРГАЗМА

Ёшлик талабалар шаҳарчасида «Қўли гулдир — ўзбек аёлин» деб номланган хотин-қизлар томонидан тикилган маҳсулотлар кўргазмаси иш бошлади.

Ушбу кўргазмада Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлик талабалар шаҳарчаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан таклиф этилган тадбиркор аёллар уй шароитида тайёрлаган маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, ранг-баранг тикув-бичув ва тўқимачилик ишлари, миллийлигимизни ўзида акс эттирган зардўзлик буюмлари, келинлар ва қизларга мўлжалланган кўйлак ҳамда дўппилар кўпчиликка манзур бўлаётир.

Ўн кун давом этадиган тадбирдан кўзланган мақсад тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни юксалтириш, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтиришга ҳисса қўшишдир. Шу билан бирга, қишлоқлардаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотларини республикамиз миқёсида тарғиб қилиш ҳам назарда тутилган.

— Ҳудудимиз тоғли жой саналгани боис кўпроқ ангор эчкилари боқилади, — дейди ангренлик тадбиркор Малика Ўлмасова. — Шу тоғ эчкиларининг жунидан аёллар учун рўмол тўқиймиз. Фаолият бошланимизга етти йилдан ошди. Бу фурсат ичида кўплаб маҳаллий кўргазмаларда иштирок этдиқ, маҳсулотимизга янги харидорлар топдик.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## КОЛЛЕЖДА МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

1-сонли Тошкент педагогика коллежида республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамда Чилонзор тумани маънавият тарғибот маркази, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида “Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг асосий мезонлари” мавзусига бағишланган тадбир ўтказилди.

Қизғин мулоқотга бой бўлган ушбу кечада ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарбиянинг ўрни ва қадр-қиммати, шу жумладан, таълим муассасаларида бевосита мазкур соҳалар бўйича хизмат қилаётган ўқитувчи-мураббийлар олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Айниқса, республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовнинг бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида маънавият соҳасига берилаётган эътибор ҳамда бевосита халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Фарида АКБАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари,**
**Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

# АСОСИЙ МАҚСАД АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УНИ АВАЙЛАШДИР

Аёлнинг жамиятдаги фаоллиги, аввало оиланинг мустаҳкамлигию, оқил ва билимдон фарзандларни тарбиялаб, камолга етказишдек улкан масъулиятни адо этиш билан белгиланади. Шу боис унинг шаъни, обрў-эътибори, мавқе-даражаси ҳам оиласидаги оналик мартабаси, аёллик вазифасига қараб баҳоланади. Бизнинг Шарқда эса қадимдан аёл учун оила энг муқаддас ошён, ҳар нарсадан устун турувчи қадрият ҳисобланган. Ҳар қандай шароитда ҳам у халқининг тинчлик-хотиржамлиги, фарзандларининг соғлик-саломатлиги учун қайғуради, оиласини турли-туман ташвишлардан ҳимоя қилишга ўзида куч топа олади. Буни эса ҳақиқий маънодаги фидойилик дейиш мумкин. Ва бу жасоратни ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди.

Мамлакатимизда айниқса, мустақиллик даврида хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни, мавқеини ошириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик қатор тарихий ишлар амалга оширилди. Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътибор шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси билан изчил давом этаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Эслайлик, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакат келажагининг бардавомлигини таъминловчи ворисларни етиштириб берадиган ва тарбиялайдиган аёлларимиз, опа-сингилларимизга бўлган муносабат ва эътибор кескин ўзгарди. Уларнинг мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги кучайди. Қолаверса, хотин-қизларнинг яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш ва уларга ҳар томонлама енгиллик яратишга муҳим ижтимоий масала сифатида ёндошила бошланди. Айниқса, аёлни оилага қайтариш, унинг саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан бирига айланди.

Оилада шахс вояга етади, камол топади, юрт корига ярайди. Оиланинг мустаҳкамлиги аёл саломатлиги, аёл бахтининг тўкислиги билан белгиланади. Бу эса кўпинча оилаларнинг иқтисодий барқарорлигига боғлиқ. Рўзғорнинг моддий таъминоти кўнгилдагилай бўлса, инсоний муносабатлар ҳам яхши йўлга қўйилади. Аксинча эса, аёлнинг тинчи, ҳаловати йўқолади. Шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътибор берайлик. Аслида айнан оиладаги моддий таъминотга ҳар доим эркаклар жавобгар. Лекин шароит тақозоси туфайли айрим аёллар ўзлари пул топишга, рўзғор тебратишда турмуш ўртоқларига кўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бу яхши, албатта. Қолаверса, аёл ишласа ҳам оиласидан узилмайди. Давлат ишида, бирор корхона ёки ташкилотда ишлайман деганларга ўзлари хоҳлаган иш узоқлик қилиши ёки қўлида бирор бир соҳанинг мутахассиси сифатида хужжати бўлмаслиги мумкин. Шундай аёлларга шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари томонидан хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрнини ривожлантириш, тадбиркорликни кенгайтириш, айниқса, уй меҳнати ва касаначиликни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қўмитамиз томонидан бу борада жойларда аниқ режалар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳаракатлар натижасида қишлоқларда уй-рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда ўз оиласининг иқтисодий таъминотига ҳисса қўшаётган, қўл меҳнати асосида турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Уларнинг ишлаб чиқаётган маҳаллий шароитларга мос маҳсулотларини тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Микрокредитбанки», Савдо-саноат палатаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида **"Қўли гулдир ўзбек аёлин..."** деб номланган доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма-савдони ташкил этдик. Унда опа-сингилларимиз ўзлари яратган меҳнат намуналарини намойиш этиш билан бирга, ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича ўз фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар, фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик шартномаларини тузишмоқда. Ўзбек аёли қўллари билан яратилган ишларни – санъат асарларини кўриб, ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам ҳавас қилишяпти. Энг муҳими, улар оиласидан, фарзандлари тарбиясидан узоқлашмай, ўзлари севган машғулотлар билан банд бўлиб, оиланинг моддий таъминотига баҳоли қудрат ҳисса қўшяптилар. Давлатимиз томонидан уларнинг бундай хайрли фаолиятлари ҳар жиҳатдан ҳуқуқий ҳимоя қилинмоқда. Бу билан нима демоқчимиз? Агар аёл ишлайман деса, ҳам ўз оиласига, ҳам жамиятга нафим тегсин деган нияти бўлса, юртимизда бунинг учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ҳамма гап улардан қай даражада фойдаланишга боғлиқ.

Очиғини айтайлик, баъзан ҳалол меҳнат билан пул топиб, рўзғор тебратиш айрим опа-сингилларимизга малол келади. Оз меҳнат қилиб, кўп пул топиш, тезда бойиб кетиш илинжида, ўткинчи ҳою-ҳавасга берилиб нопок, ноқонуний йўлларга кириб адашаётган, кейин қилмишларидан афсус чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Кўпинча енгил пул топиш илинжида хорижга кетиб, «одам савдоси» қурбонига айланаётганлар орасида ўзбек аёлларининг ҳам учраётгани ташвишлидир. Маълумки, одам савдоси ҳозирги даврнинг энг мудҳиш иллати сифатида қораланаётган, бу ҳақда ҳар куни оммавий ахборот воситаларида кишини хавотирга солувчи хабарлар тарқатилаётганига қарамай, ҳамон хорижий давлатларга турли ноқонуний йўллар орқали кетаётган аёллар трафик савдо жабрдийдаларига айланишяпти. Тан олиш керакки, сўнгги йилларда миграция жараёнларида аёллар сонининг кўпайиб бораётганлиги ачинарли ҳол. Текширишлар, кузатишлар натижасига кўра, ташқи ва ички миграция жараёнларида хотин-қизлар иштироки 23,2 фоизни ташкил этар экан.

Ахир, ўзимизда ҳам ҳалол ишлаб, яхшигина пул топишнинг имконияти, йўллари кўп-ку! Арзимаган маблағ изидан қувган аёл ўзга юртларда сарсону саргардон юрса, фарзандлари тарбияси издан чиқса, топган даромади татирмикан? Хўш, бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун ёки бўлмаса турли сабаблар туфайли «одам савдоси» деб номланган балога йўлиқаётганларга қандай йўллар орқали ёрдам бериш мумкин? Энг аввало, кенг жамоатчиликни бу масалага жалб қилиш, ҳуқуқ-тартибот органларидан тортиб, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар орасида тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур. Дарвоқе, вилоятлар, чекка-чекка туманлар ва қишлоқ-овулларда бўлганимизда ҳар бир учрашув-мулоқотларда бу ҳақда жонли мисоллар орқали аҳолини огоҳликка чақиряпмиз. Айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоятларда шу кунга қадар одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича 8431 та тарғибот ва ташвиқот ишлари, суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. 1333 та кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар орқали тарғибот ишлари олиб борилди.

Баъзида одам савдосидан жабр кўрган аёллар юртимизга қайтгач, анча вақтгача ўзини айбдор ҳис қилиб, тушкунликка тушиб қолиши ҳам сир эмас. Бундай пайтда туманларда жойлашган хотин-қизлар қўмиталари вакиллари улардан хабарлашиб, жабрланганларнинг кейинги ҳаётларини ўнглаб олишлари учун йўл-йўриқ кўрсатишяпти, уларни ҳам руҳан ва моддий томондан қўллаш туфайли қанчадан қанча аёлларимиз оиласига қайтди, ишга тикланди.

Албатта, қўмитамиз томонидан тузилган мутахассислар гуруҳи одам савдоси билан боғлиқ турли муаммоларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил этилмоқда. Бу борада аниқ режа ва дастурлар тузилиб, амалий ишлар олиб борилияпти. Шунга кўра бир йил давомида одам савдосига қарши курашиш бўйича уч йўналиш, яъни ушбу йўлга кириб қолаётган аёллар тоифасини аниқлаб, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, хотин-қизларнинг турли фирибгарлар томонидан алданиб қолмасликлари учун уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда юқоридаги нохуш ҳолатлар оқибатида жабрланган аёлларга маънавий-руҳий кўмак бериш орқали нормал ҳаётга йўналтириш бўйича ҳам қатор хайрли ишлар олиб борилияпти.

Оила барқарорлиги, аёллар саломатлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларимиз энг муҳими, ҳуқуқий саводхонликни оширишдан кўзланган мақсад, ижтимоий ҳимоя кафолати, иш ўринлари ташкил этиш орқали оилаларга кўмак бериш — бугунги фаолиятимизнинг энг асосий мезони бўлмоғи керак. Чунки Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқдир». Шундай экан, ҳаммамизнинг асосий ниятимиз, мақсад, маслагимиз битта: у ҳам бўлса, Аёлни эъзозламоқ, аёлни асрамоқ муқаддас бурчимиз эканлигини унутмайлик.

ТАЪЛИМ

# ЎЗ ФАРЗАНДИМИЗДЕК МЕҲР БЕРОЛСАК...

Мен ўзимнинг озми-кўпми, ўқитувчилик соҳасидаги иш тажрибамга, кузатишларимга асосланиб, бу касбни энг шарафли дегим келади. Лекин бу бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Тўғри, олий даргоҳда ўқиб, «ўқитувчилик ихтисоси берилди», деган дипломни кўпчилик олиши мумкин. Аммо уларнинг орасидан саноқлиларигина чин маънода муаллим бўлиши мумкин. Улар хоҳлаганларидан, аниқроғи, ўқитувчиликка истеъдоди йўқлигидан шундай қилишга мажбур. Чунки ҳар бир касбни эгаллаш учун нафақат билим, балки истеъдод ҳам муҳим.

Мен баъзида жамоамиздаги ана шундай фидойи ўқитувчилар фаолиятини кузатиб фахрланиб кетаман. Мактабга ҳеч қачон кечикиб келмайди, ҳар доим дарсларга ҳам пишиқ-пухта тайёргарлик кўради, болаларга ниҳоятда хушмуомалали ва ҳоказо... Буни уларнинг интилиш, изланиш, эришаётган ютуқлари натижаларига асосланиб айтаяпман.

Бугунги кунда мактабимизни битириб



кетган ўнлаб ўқувчиларимиз бутун республикага таниқли кадрлар бўлиб етишшиди. Қанчадан-қанча шогирдларимиз ўзларининг ҳалол меҳнат, инсоний фазилатлари билан кўпнинг ҳурмат ва эътиборини қозониб юришибди. Бу, албатта, жамоамиз ўқитувчиларининг берган таълими, тарбияси натижасидир.

Мактабимизда 25 нафар ўқитувчи 423 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераяпти. Қўқон шаҳар ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини, шу ҳудудда жойлашган корхоналар, тадбиркорлар ҳамиша биз билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, имкониятлари борича ёрдам беришаяпти.

Мана яқиндагина Ўқитувчилар ва мураббийлар куни мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди. Шу куни бизнинг илм даргоҳимиз чинакамига тўйхонага айланди.

«Қўқон қурилиш» ташкилотининг учинчи филиали бунёдкорлари қалбларимизни қувончга тўлдириб, 32 йиллик эски мактабни капитал таъмирлаб, янги бинолар барпо этиб, бизларга туҳфа қилишди. Илгари жисмоний тарбия дарсларини «Локомотив» стадионида ўтказган бўлсак, эндиликда ўзимизнинг ёзги спорт залимизга эга бўлдик. Химия, физика, расм, чизмачилик дарслари учун ҳам махсус хоналар ташкил қилинди. Айниқса, янги, кенг ва ёруғ синф хоналарини безаган замонавий жиҳозларни айтмайсизми?!

Хуллас, 452 миллион сўмлик қурилиш ишларини қойиллатиб бажарган қурувчиларга, мактабимизни янги ўқув жиҳозлари билан таъминлаган мутасадди ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Жамоамизнинг янги ўқув йилидаги режалари янада улкан. Баркамол авлодни шу азиз ватанга содиқ ва фидойи этиб тарбиялаш йўлида бор куч ва билимимизни аямаймиз. Бунинг учун барча шароит ва имкониятлар бор. Фақат ҳар бир ўқувчига ўз фарзандимиздек меҳр-муҳаббатимизни бера олсак бас!

**Роза ТУРСУНОВА,**
**Қўқон шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори.**

НИГОҲ

**Оилада фарзанд дунёга келди. Ҳамма унга парвона. Айниқса, ёш ота-она «Болани қандай парвариш қиламиз?» деган саволга жавоб топиш билан овора. Кеча шифокор онага «Болага энг яхши овқат — она сути» деди. Бугун отага ҳамкасби «Энди рўзғорни ҳамиша бут қилиб қўй» деб таъкидлади. Она бувилардан ўрганган алла билан болажонисини ухлатди, қайнонаси берган юмшоқ момиқ кийимларни кийдирди. Йиллар ўтаверди. Энди болага овунчоқ керак бўлиб қолди. Миттивой авваллари осма шиқилдоқлар, чийилдоқ ўйинчоқлар билан кифояланарди. Энди эса «Қизгинамга қандай ўйинчоқ олсам экан?» деган савол бир дўкон тўла ўйинчоқлар олдида турган ота-онани ўйлантириб қўйди.**

**Шу пайт онанинг диққатини ўйинчоқ қаторларида турган бир қўғирчоқ тортди. Бу «Барби» эди...**

# ЖОДУГАР ҚЎҒИРЧОҚЛАР

**Биз билган ва билмаган БАРБИ**

Ҳа, эҳтимол, сиз ҳам бу она каби унга ҳавас қилиб, қизингизга узун оёқ, йирик кўзли «дугона»ни иштиёқ билан сотиб олиб берарсиз ёки бу «хоним»дан нафратланиб, фарзандингизни бошқа ўйинчоқлар сотиладиган раста томон етакларсиз. Чунки айрим ота-оналар учун Барби қўғирчоғи ўзида гуноҳларни мужассамлаштирган омил бўлса, бошқалар учун унинг қомати — оилада ўсиб келаётган ўсмир қизи учун яхши ибрат намунасидир.



**Челси**

Умуман бундай икки хил қараш мана қарийб эллик йилдан бери, яъни қаҳрамонимиз «дунёга келгандан» буён давом этмоқда.

Демак, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 1958 йилда насаби европалик бўлган америкалик Рут Хендлер ўзининг кашфиёти — кенг елкали, дўмбоқ шаклга эга, қизи Барбара шарафига аталган шу номли қўғирчоғи учун патент олади.

«Барби»нинг келиб чиқиш тарихи ҳақида бир-бирига зид бўлган фикрлар мавжуд:

Айтишларича, бир куни Рут турмуш ўртоғи Элиот билан янги чиққан маҳсулот – келишган қоматга эга суюқоёқ, сувенир қўғирчоқ Лиллини кўриб қолади.



**Киноактриса**

Аслида Лилли – ҳеч қандай қўғирчоқ эмас, балки иккинчи жаҳон урушидан кейин эркаклар учун яратилган комикслар қаҳрамони, деган тахмин ҳам бор.

Шунингдек, бу ўйинчоқ, йигитлар энди танишган қизларига совға қилиши мумкин бўлган сувенир қаторида ҳисобланган экан.

Тадбиркор Рут айнан шу Лиллига маҳлиё бўлди. Тўғри, Лилли аталмиш бу кўкракдор немис хонимини юз фоиз бус-бутун қилиб ясаш қўпол эротикани англатиб қўйиши турган гап эди. Бундан ташқари миссис Хендлер Америка бозорига айнан Лиллига ўхшаш қиёфани чиқармоқчи ҳам эмасди. Рут ёш ва маъсума, шунингдек, ўсмир қизчалар учун ғоятда чиройли қўғирчоқ-дугона яратишни хоҳларди.



**Малика Ана Лиза**

Демак, 50-йиллар охири... «Барби» барча давлат ва минтақаларга ўзининг тантанали «юриши»ни бошлайди. Хўш, ўша пайтда биз томонларда қандай ҳолат ҳукмрон эди? Бизнинг ёш қизчаларимиз «холакасим», «меҳмон-меҳмон» ўйнаганларида ўзлари ясаган латта қўғирчоқлари билан кифояланган, фақат айримлардагина хориждан олиб келинган ноёб айиқча ёки дўмбоқ қўғирчоқлар бўларди.

Бу орада қайсар «Барби» зерикиб қолди – у ўзининг ижодкорларидан кам эмас, кўп эмас — дўст «талаб қилди». Шундай қилиб, 1961 йили Кен, кейин (1960-йил ўрталарида) дугонаси Мидж ва синглиси Скиппер пайдо бўлди.

Аста-секин бизнинг Барби қасрлар, яхталар, отлар ва албатта энг зўр кийим-кечаклар гардероби «соҳибаси»га айланди. Шунингдек, унинг ҳасадчилари... ҳам пайдо бўлди. Бу гапнинг ўзи кулгили бўлиб туюлар, бироқ дунёдаги минглаб ёш аёллар «Барби синдроми» касаллигига чалиндилар, яъни ўзларининг ёшликдаги идеалига ўхшаш учун, пластик жарроҳларнинг доимий мижозларига айландилар.

Мисол учун, англиялик Синди Жексон – энг кўп пластик жарроҳликни бошидан кечирган аёл сифатида Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилган. Бу аёл дунёнинг энг машҳур қўғирчоғи – Барбидек бўлиш учун нақ 29 марта жарроҳлик столига ётиб, 100 000 доллар эвазига ўзи истаган «идеал гўзалликка» эга бўлган. «Барби» деб ном олган бу аёл бугунги кунда Лондонда жойлашган пластик жарроҳлик клиникасини бошқариб келмоқда.

Бизнинг юртимизга эса Барби 1989 йилларда «чайқовчи»лар саъй-ҳаракати билан кириб келди.

Ҳар бир давлатнинг аёл гўзаллигига бўлган миллий қарашлари турлича бўлгани учун эндиликда Барби кашфиётчилари турли миллатларнинг кўринишларига мослаб осиёлик – Кира, африкалик – Рангли Френси («Colored Francie»), испаниялик – Ана, негр – Нешель, афғон – Фула, араб - Муслима Фатима, ҳинд – Штеффи ва бошқа миллатларнинг «Барби»ларини ўйлаб топишган бўлса ҳам барибир дунёнинг турли бурчакларида бу қўғирчоққа нисбатан норозиликлар туғилган. Бунга сабаб – бу қўғирчоқ аввало этник шовинизмни келтириб чиқаради, деган фикр бўлса, иккинчидан Барбининг кенг елкалари, ақл бовар қилмас ингичка бели, қўл-оёқларининг ҳаддан ташқари узунлиги ва энг асосийси, катта сунъий кўкраклари кўплаб давлатларда танқидга учраган. Масалан, Эрон ҳукумати бешармликка ундовчи Барби қўғирчоғини сотишни расман таъқиқлаган.

**Ғарбча қараш**

Ғарбда **«Барби»** – бу гўзаллик ҳақидаги бўрттирилган замонавий тасаввурлар мажмуаси ҳисобланади. Қани айтинг-чи, ундан бошқа қайси бир қўғирчоқ ўзининг «реал», «ҳаётий» ўлчамлари билан «мақтана олади»?



**Барби Тони оти**

Бир ҳисобдан олганда ҳозир эстетик жиҳатдан жозибадор ўйинчоқ ўйнаш имкони борлиги нақадар ажойиб, ахир аввалари қизалоқлар беўхшов ёноқли, дўмбоқ оёқли қўғирчоқлар билан қаноатланишарди. Баъзида Барбини жинсий ахлоқсизлик тимсолида кўриш – ўтакетган мунофиқлик бўлиб туюлиши ҳам мумкин.

**Анъанавий нуқтаи назар**

Бу қўғирчоқ ўсмир қизлар ўхшашга интилувчи қомати билан нафақат инсон мутаносиблигидан маҳрум, балки «шахс» сифатида ҳам ҳаддан ташқари баттолдир. Барби ўқитувчидан то санъаткор каби турли хил касбларда намоён бўлса ҳам, барибир фақат ўйин-кулгуга интилувчи уятсиз такасалтанг қизни эслатади.



**Фотограф**

**Тўғри, ҳомиладор Барби ва ҳатто Барби буви ҳам яратилган бўлсада, барибир бу қўғирчоқ орқали ОИЛА деб аталмиш муқаддас тушунча устидан чиройли қилиб ҳажв қилинаётганга ўхшайди. Барби билан «она-бола», «холакасим» ўйинини ўйнаса бўладими? Уни йўргаклаш, аллалаш, «овқат едириш» мумкинми? Бу ойимча болани нимага ўргатиши мумкин? Ҳар соатда кийим алмаштиришгами? Базм ва дискотекаларда ҳар хил Кенлар билан юришгами? Барбини ўйновчи қиз қайсар, калондимоғ, манфаатпараст – нафақат атиргуллар, балки пуллар сочилган енгил-елпи йўлни танловчи шахс сифатида улғаймайдими? Барби – бу фақат талаб қилувчи жамиятнинг ёрқин рамзидир. Айнан биринчи Барбиларни ўйнаб улғайган болалар, 1980-йиллар бошида «хиппи» деб аталмиш ўтакетган маънавиятсиз йўналишни ўйлаб топганлар.**



**Барби уйи**

Энди ўзбек менталитетига тўхталадиган бўлсак, турган гапки, Барби либослари, очиқдан-очиқ беҳаё Ғарб кийимларининг тарғибот-ташвиқотини билдиради. Чунки қўғирчоқ ижодкори унинг ҳар бир детали ҳақида бош қотирган бўлса-ю, кийимини эсдан чиқарадими?!

**Қўғирчоқ Барби – мутлақо болалар ўйинчоғи эмас, у беозор қўғирчоқ ниқобидаги, шубҳасиз, шаҳват тимсолидир.**

Айни пайтда Барбини ишлаб чиқарувчи «Matell» компанияси ҳар куни турфа фикрли қоп-қоп хатларни олади. Улардан айримлари миннатдорчилик тарзида бўлса, айримлари ғазабли, ҳатто таҳдидларга тўла. Хуллас, компаниянинг ҳуқуқий бўлими — доим банд. Энг қизиғи шундаки, Барби маҳсулотига қарши Ғарбда ҳам «Anti-Barbie», «Adieux, Barbie» интернет сайтлари ва бошқа ташкилотлар мавжуд. Бунда уларнинг бир гуруҳи ўйинчоқнинг болаларга ишлаб чиқарилаётганлигини қораласа, иккинчи гуруҳи Барбини пул топиш йўлида инсоният қиёфасидаги қўғирчоқдан қул сифатида фойдаланаётганлиги ҳақида бонг уриб, турли хил форумлар, намойишлар билан чиқмоқда. Демак, Ғарбда ҳам бу қўғирчоққа нисбатан катта қаршиликлар мавжуд.

Қисқаси, Рут Хендлернинг «қизалоғи» ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. У гўзал, у бетакрор ва даҳшатлидир.

**Хулоса**

Маълумки, ҳозир ер юзида ядро урушларидан кўра, мафкуравий кураш ўзининг кам чиқимлилиги ва ҳеч қандай зарар-талофатларсизлиги билан «бузғунчи ғоялар фабрикаси»да ишловчилар учун қулай бўлиб қолди. Бунда ҳеч қандай қурбонлар бўлмайди, қон тўкилмайди, аксинча, одамлар онгини бошқариш орқали мамлакат тобе қилинади, холос. Шунинг учун ҳам азизлар, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни «зомби қилиш» механизми қай тарзда намоён бўлиши, бу жараённинг қандай кечиши, ёт мафкуравий кучлар ўз мақсадларига эришиш учун қандай шакл ва услублардан фойдаланаётганликларини тадқиқ этиш ҳамда уларга қарши курашиш бугун жамият олдида турган энг долзарб масалалардан бири саналишини унутмаслигимиз керак.

**Шаҳноза АКРАМОВА,**
**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси.**

# БИЛИМ ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ!

МУЛОҲАЗА

— Яқинда 6-синфда ўқиётган қизим кела солиб, «Мен ҳам пуллик тўгаракка қатнашаман», деб қолди, — ҳикоя қилади қўшни аёл.

— Аввалига қуйи синфда ҳам пуллик тўгарак бўларканми, деб ажабланиб қизимга қарадим.

— Аяжон, шу тўгаракка қатнашганларнинг чорак баҳоларини ҳам «5» қилиб беришаркан, — билағонлик қилди у.

— Сен яхшиси, дарсга диққат билан қулоқ сол, билмаганларингни ўз вақтида сўраб ол, шунда ўзлаштиришинг яхши бўлади, — тушунтиришга уриндим мен.

Қизим хафа бўлди. Эртасига мактабга бориб, директор опага учрашдим. У муаллиманинг чорак баҳолари ҳақидаги гапидан бехабарлигини, ўзи бу ишнинг охирига етишини айтиб, хижолат бўлди.

Ўйланиб қолдим. Наҳотки, айрим ўқитувчилар мавзуни ўқувчиларга сабоқ пайтида тўла етказмай, кейин уни пуллик тўгаракда мукаммал ўтса? Сўнгги пайтда бундай «тўгараклар» ҳақида бот-бот гапирилаяпти. Демак, бу бекорга эмас. Савол туғилади: қачондан бери устознинг сабоғига пул қистириладиган бўлди?

Мен бир муаллимани биламан. Узоқ йиллар Олтинкўл туманидаги 2-умумтаълим мактабида, кейин 20-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда математикадан сабоқ берди. Улгурмаётган ўқувчилар билан дарсдан кейин қолиб бўлса ҳам шуғулланарди. Маҳфиратхон опа Камолова (марҳум) мактаб-интернатда ўқувчиларнинг билимидан унча қониқмай юрди.

— Эртадан тўгарак очамиз. Бу фанни чуқур ўрганиб бормасангиз, юқори синфларда қийналасиз, — деди у.

Бир бола ўрнидан туриб дабдурустдан:

— Опа, ойига неча сўмдан олиб келамиз? — деган савол ташлади.

Ўқитувчининг ранги ўзгарди:

— Болам, мен билимимни пулга сотмайман!

Мана, сизга ҳақиқий, фидойи муаллиманинг жавоби.

Билим масканларимиз ҳаётида баъзан шундай воқеалар ҳам учрайдики, улар ўқувчи ёшларнинг онгига, маънавиятига таъсир этади, тарбиясига путур етказиб қўяди.

Илмий бўлим мудири бўлмиш опамиз бошқа мактабда ўқийдиган қизимни ўзи ишлаётган даргоҳга олиб келиб, юқори синфга жойлади. Опасининг ҳурматидан ўқитувчилар ўша ўқувчига эътиборлироқ бўлишди. Натижада қиз мактабни «қизил» аттестатга тамомлади.

Бунга зарра эътирозимиз йўқ. Чунки кимнинг қизи бўлишидан қатъий назар, пухта билимга эга, ҳар томонлама етук бўлса, шундай рағбатга арзийди. Аммо нега уни бошқа мактабга ўтказишди? Мантиқан ўйлаганда ҳам аксарият одам бошқача тушунади, яъни: «Демак, ўқитувчиларга ҳамма нарса мумкин экан-да... Ўз қизига «қизил» аттестат олиб бериш учун атайин шу мактабга кўчирибди. Қолганлар қанча ўқимасин, барибир таниш-билишсиз мактабни имтиёзли тугатолмайди!»

Ишонувчанлик кучли болаларда ёлғон хислатлар шундай воқеалар таъсирида пайдо бўлмасмикан? Оқибатда улар ҳамма нарсага юзаки баҳо берадиган, «таниш-билиш» деган бемаъни тушунчага таянадиган бўлиб қолишмайдими? Айниқса, ўқитувчига — муқаддас касб эгасига нисбатан ишончнинг йўқолиши — энг оғир кўргулик.

Муқаддас ва шарафли номга доғ туширмаслик учун мураббий ўзининг энг оддий хатти-ҳаракатларини ҳам назардан четда қолдирмай ўйлаши лозим. Чунки келажакни пок виждонли, садоқатли ёшлар қўлига топширмоқчи эканмиз, уларни вояга етказувчилар ҳам касбига фидойи бўлмоқлари шарт.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Андижон вилояти.**

✔ МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

# УМР — ҲАНГОМА ЭМАС

## ёхуд гап сотувчининг харидори ким?



**КИЧИК ВОҚЕАМИ, КАТТА ФОЖЕА?**

Бир куни кўчада ўйнаб юрган қизим ҳовлиқиб келди-да:

— Ойижон, ойижон, анув қўшнимиз Холида бор-ку, ўша, синглиси Фаридани «шу ўлса қутулардим, яхши бўларди», деди. Ўз синглисини шундай деди-я, ойижон», — деди ҳайратини яширолмай.

Қизимнинг нохуш кайфияти менга ўтди. Наҳотки, жажжигина қизалоқ ҳалитдан ўз синглисига ўлим тиласа-я, деб ўйладим. Кейин ёш бола гапираверади-да деб, эътибор бермасликка ҳаракат қилдим.

**ҲОВЛИ АЁЛЛАРИ**

Доимо ишда бўлганим учун қўшни аёллар қатори ҳовлида ўтиришга ҳеч вақт тополмайман. Шанба, якшанба юмушдан бўш кунларим эса уй ишларидан ортмайман. Навбатдаги дам олиш куни ҳовлида қозон куйдиришни режалаштирганимни эшитган қизим ирғишлади:

— Ур-ре, менинг ҳам ойим кўчага чиқади!

Табиийки қозонларим оқаргунча мен ташқарида ўтиришим керак. Қизим шуни назарда тутаётганди. Қозоннинг тагига ўт қалаб, ўзим ҳовлимизга қатор қилиб ўрнатилган ўриндиқларнинг бирига бориб чўкдим. Ҳар доимгидек 7–8 қўшни аёл ўтирганча гурунглашаётганди.

— Холида, болага қара (уканга демайди), — дейди синглисига ўлим тилаган қизнинг онаси эндигина юришни ўрганган болакайнинг сув тўлдирилган бассейн томон кетаётганини кўриб.

— Ана, Фаридангиз қарасин, — деди онасига тик қараб қизалоқ.

«Хў қирилгурлар, кўзинг ўйилсин, бу ўлгурларни 16 ёшида эрга бериб қутулмасам бўлмайди, шекилли», шанғиллади ҳалиги хотин муштини қизига дўлайтганча. Қизини яхшилаб гап билан «сийлаган» аёл сўнг ҳиринглаб кулди. Бунга кўникиб қолган қўшнилар ҳам унга қўшилишди. Мен эса ажабландим:

— Қўйинг, яхши ният қилинг, олдин ўқишсин, яхши ишларда ишлашсин, эрга бериш бўлса қочмас,—дейман.

—Ҳе, ўқиб шаҳар олиб берармиди? Ҳали сарполарини йиғишим керак. Турган битгани даҳмаза буларнинг. Мебелининг ўзи фалон сўм...

Шу пайт аёлнинг олдига бояги гап эшитган ўн ёшлар атрофидаги қизалоқ келди-да, онаси ичиб ўтирган газли сувга қўлини чўзди. Аёл қизининг қўлига бир урди. «Бор, ана крандан сув чиқиб турибди, ўшани ич, тешиб чиқмайди, ёш болаларга оддий сув ҳам бўлаверади», деди.

Қизча изза бўлди шекилли, лабини буриб, кўзини мўлтиллатганча нари кетди.

Бу пайтда аёллар суҳбати авжига чиққанди:

— Куёвимга 500 мингга костюм-шим олдим, яна бир миллионга қанча нарса олдим. Эндиям ғинг десин-чи?

— Шуни айтинг, қўшни. Қуда томон қизимизни хафа қилмасин деб ўшаларга хушомад қилиб умримиз ўтади. Буларнинг туғилган куни кўпллигини айтмайсизми? Яқинда қудамнинг юбилейида қизимга минғилламасин деб, бўйнига фалон пуллик тилла занжир тақдим, — дейди яна бир аёл.

— Хурсанд бўлгандир? — гап ташлайди яна бири.

— Қаёқда дейсиз. Ингичка экан деб нозланибди. Унисиям майли, яқинда қайнсинглимнинг туғилган куни, унга энди тилла узук олиш учун пул топишимиз керак...

Мен ўрнимдан туриб, қозоннинг оловидан хабар олишга кетдим.

Қайтиб келганимда мавзу ўзгарганди...

**ОТА ҚИЗИНИ УРСА...**

— Бу уйни сотиб, уч хонали уй олсам, қайнонам биз билан яшамоқчи экан, — дерди бошқа бир аёл. — Қайнонам келса, уйимда режим бузилади, болаларимнинг тарбияси ўзгаради. Унинг олдида буларга бақиролмайман, уролмайман. У кишига қаттиқ тегиб кетади.

— Ҳеч болаларингизни эркалайсизми? — дейман аёлга юзланиб.

— Йўқ, буларни қаттиқ ушлаш керак. Айниқса қизларни, лекин дадаси қизларни эркалайди. Шундаям, мендан кўра дадасидан зириллайди Айтганини қилмаса, қайиш билан солади-да!

— Қизларни уриб бўлмайди, отаси урган қиз бахтсиз бўлади, дейишади, — ҳайтовур қўшниларимнинг бирига инсоф кирди.

— Ҳозир болаларни яхши гап билан тарбиялаб бўлмайди-да...

**Мен эса руҳшунос Лола ЭГАМҚУЛОВА билан бўлган суҳбатимизни эсладим:**

— Менимча, «қиз болани отаси урса бахтсиз бўлади», деган гап бевосита тарбия билан боғлиқ. Чунки қизини урган ота келажакда бу фарзандининг бахтсиз бўлишига ўзи замин яратади. Чунки отасидан етарлича меҳр кўрмаган қиз эри, оиласи, қайнотасига қандай меҳр бериши мумкин? Отаси калтаклаган қизларнинг аксарияти жиззаки, тўнг, қўпол бўлиб вояга етади. Ваҳоланки, қиз боланинг зийнати меҳрибонлик, мулойимликдир. Эркак кишининг кўнглига йўлни фақат иболи, латофатли бўлиш орқали топиш мумкин. Қолаверса, фарзандни калтаклаш тарбиянинг ҳеч қайси усулига кирмайди.

**ЕЧИМ ЖЎН БЎЛСА БАСМИ?**

Бу пайтга келиб сафимизга яна бир келинчак келиб қўшилди. Мен уни олти йилдан бери танийман. Бефарзанд эди. Ўша келинчакни не кўз билан кўрайки... ҳомиладор экан. Хурсанд бўлганимдан уни табрикладим:

— Табриклайман, умри узоқ бўлсин.

— Раҳмат, — деди у тортиниброқ.

— Қайси туғруқхонага йўлланма беришди.

— Ҳеч қайсида рўйхатда эмасман.

— Вой нега? — дедим ажабланиб.

— Э, бу ерда югур, югур, ҳар ўн кунда ташхис. Қишлоққа бориб туғаман.

Яна бир оғриқли муаммога дуч келгандим. Ахир неча йилда тилаб-тилаб олган фарзанди учун шифокорлар назоратидан ўтмаслик... Бунинг турган битгани бешафқатлик эмасми?..

—Худо йўлини берса осонгина туғади, — деди аёллардан бири ҳар доимгидек, суҳбатга «фалсафий» хулоса ясаб.

**«КИТОБ ОДАМЛАРДАН ЯХШИРОҚ(МИ?)»**

Бир аёлни биламан. Мактабда дарс беради. Кунининг ярим куни мактабда ўтса, ярми уйда бўлади. Лекин у аёлнинг «бўш вақтим борку», деб ҳеч кўчада ўтирганини кўрмадим.

— Менинг луғатимда «зерикиш, бўш вақт» деган гап йўқ. Баъзан деразадан ҳовлига қараб туриб соатлаб вақтини бой бериб ўтирган хотинларни кўриб, бунинг ўрнига бирон фойдали иш билан шуғуллансалар, бирон нарса тўқисалар, тиксалар бўлмасмикан деб ўйлайман. Хўжайиним яхши пул топади. Лекин мен у кишидан майда-чуйда нарсалар учун пул сўрамайман. Тўқийман, тикаман, пишириқ пишираман. Вақтим бўлса қанийди, мана бу китобларни ўқиб чиқсам дейман, — дейди кутубхонасидаги бир дунё китобларга ишора қилиб. — Шу аёлларнинг озгина вақти менда бўлсайди деб, орзу қиламан. Баъзи аёллар «эрим нонга пул ташлаб кетмабди» деб нолиса, гаплари менга жуда кулгули туюлади. Ҳозир бирор иш қиламан десангиз қанча имконият бор, ахир.

Бу — бир оддий ўқитувчининг мушоҳадаси холос. Лекин шундай тезкор замонда болалар тарбияси билан шуғулланишга, бирор фойдали иш қилиб, фарзандларимизга ўрнак бўлишга улгурмасак, бир кун келиб вақт биздан ўч олиши бор гап.

**ШУНДАЙ ОНАЛАР БОРМИ?**

Шу мақолани ёзишни режалаштириб юрганимда яна қизим менга ажабланганча (кўзида ҳатто қўрқув ҳам бор эди):

— Ойижон, Холиданинг ойиси қизлари айтганини қилмаса, ўтга пичоқни қиздириб қўлига босаркан, яна хивич билан оёғига уракан, менимча улар ёлғон гапиради-а, ёки шунақа ойилар ҳам борми? — деди саволларни қаторлаштириб.

Мен эса... бу сафар унга нима деб жавоб беришни билмадим. Очиғи, шундай оналар борлигига ишонгим келмайди. Ишонмаслик эса афсуски, мумкин эмас...

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**


***Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни***

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**




**Ойлик маошлар қуйидагича:**

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

**Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3х4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, ( собиқ Иркутск) 20-уй.
**МЎЛЖАЛ:** Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН: 266-38-31**

# БОЛАЛАР ТЕАТРИНИНГ УЯТЧАН ҚИЗИ



**САНЪАТ**

**Турна қиз ҳақида эшитганмисиз? Бир деҳқон йигит ярадор турнани даволаб, учириб юборади. Турна бу йигитга ошиқ бўлиб қолгач, гўзал қиз ҳолатида қайтиб келади-ю, йигитнинг рафиқасига айланади. Турна-қиз гилам тўқиса, йигит бу гиламларни сота бошлайди. Харидорлар кўпаяди. Ва йигит қиздан янаям кўпроқ гилам тўқишни талаб қилади. Қизнинг илтижоларига қулоқ тутмайди. Ахир у қизнинг кечалари турнага айланиб, ўз патларидан гилам тўқиётганини билмайди-да. Аммо билганида кеч эди: турна эрталаб одамга айлана олмай қанот қоқиб учиб кетади. Йигит нола чекканча қолаверади...**

— Машҳур япон адибининг «Турна пати» номли асаридаги турна қиз ролининг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи хаёлимда муҳрланиб қолган, — **дейди Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри актрисаси Шаҳодат Усмонова.** — Ва айнан шу спектакл учун республика қўғирчоқ театрларининг биринчи фестивалида «Энг яхши аёл образи» номинациясида ғолиб чиққандим. 1981 йилдан бери шу театрда ишлаётган бўлсам, бу каби ролларнинг қанчаси юрагимда муҳрланиб қолган. Оддийгина сичқонча ролини ҳам энтикиб эслайман. Ахир ўша рол ҳам болажонларга, энг ҳаққоний томошабинларга қанчалик завқ улашган, уларни қайсидир маънода тўғри тарбиялашга хизмат қилган.

Аслида ўша ҳайвонлар ролини ижро этишнинг ўзи кишига болалар дунёси билан яшашни тақозо қилади. Мен ҳам театр ва рассомчилик институтининг мусиқали драма факультети қўғирчоқ бўлимида ўқиётганимдаёқ бунга амин бўлганман. Эсимда, аввалига менга бу ролларни бажариш жуда эриш туюлган, ўзим бироз уятчанроқ бўлганман. Аммо бир куни устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Марям Аширова мендаги шу уятчанликни йўқотиш мақсадида «сени ўқишдан ҳайдатаман», дея қаттиқ гапирганлар. Шунда, тасаввур қиласизми, менга барибир яна ўша уят ёрдамга келган. Ўзи минг бир қийинчиликлар билан институтга кирганман. (Ўша пайтлар қизларнинг актриса бўлишига ота-оналар қаттиқ қаршилик кўрсатишарди). Энди ўқиб юрган пайтим, ўқишдан ҳайдалиб кетсам, қандай бош кўтариб юраман, дея бир ҳафта давомида ўзимдаги бор иродани юзага чиқардиму, мушук ролини шундай ўйнаб бердимки, бутун факультетда ким мени кўрса «ана, мушуквой келяпти» дея кўрсатадиган бўлди. Бундан фахрланардим, демак, ролни яхши ижро этибман-да.

Шундан кейин бошқа устозларим, Марям опа, Владимир Иогельцин менга катта ишонч билан қарай бошлашди.

**— Ёдингиздами, Бухорода ўтган VII-Республика қўғирчоқ театрлари фестивалида устозимиз Марям опа сизга «Балли қизим, устозидан ўтмаган шогирд шогирд эмас» деган фикрларни баралла айтгандилар, — дея суҳбатга қўшилади шу театрнинг ёш актёри Отабек Назаров. — Ўшанда бизнинг театримиз ижодкорлари «Тошкесаклар мамлакати» спектакли билан фестивалда биринчи ўринни эгаллаганди.**

— Ёдимда. Бу ютуғимизда ҳам албатта театримиз жамоасининг аҳиллиги, ўз ишига фидойилиги муҳим омил бўлди. Умуман, эътибор берадиган бўлсак, санъат соҳасида ишлаш фидойилик талаб қилади. Бунга ёшликдан қизиқмасангиз, тасодифан бу соҳага келиб қолиш бўлмайди. Ўзим ҳам ҳали мактаб даврларидаёқ саҳналарда «Қутлуғ қон»даги Нурхонни, Алишер Навоийнинг Гулисини ўйнаганман. Уйимизда эса тўққиз фарзанднинг ҳаммаси бирон бир мусиқа асбобини чалишни билардик. Бизникида ҳар доим рубоб, аккардеон, доира каби чолғу асбоблари бўларди. Бировимиз шеър айтсак, бошқамиз қўшиқ куйлардик. Ўша пайтлари телевизор ҳамманинг ҳам уйида йўқ эди. Кечқурун гулу райҳонлар экилган ҳовлимиздаги гурунглар қўшиқ-куйга уланиб, қўни-қўшнилар тўпланарди.

Отам ҳозир ҳам, ўша пайтлари ҳам Яссавий, Навоий, Саъдийнинг мумтоз ғазал, рубоийларидан ўқиб берардилар. «Калила ва Димна» деярли ёд бўлиб кетганди. Айнан ана шу муҳит менга ўз таъсирини кўрсатгандир, эҳтимол.

— Шаҳодатда қандайдир бир қатъиятлилик, серқирралилик бор-да, — **дейди биз билан суҳбатда вилоят қўғирчоқ театри раҳбари Баҳром Муҳаммадиев.** — Бу унга актёрликдаги истеъдодидан ташқари режиссёрлик фаолиятига ҳам қўл уриб, қанчадан-қанча асарларнинг театр юзини кўришига ёрдам берди. 30 йиллик тарихга эга театримизда фаолият юритган қанчадан-қанча устоз санъаткорларнинг изидан бориши, улардан сабоқ олгани ҳам қўл келган, албатта. Театримиз жамоаси шу йиллар давомида қатор фестиваллардa фахрли ўринларни эгаллаган, юртимиз бўйлаб, шунингдек, Жанубий Кореяга ҳам ижодий сафарда бўлиб қайтди. Жамила Мардонова, Мунира Истадова ва яна бошқа актёрларимиз, қолаверса, театримизга кириб келаётган ёшлар, жамоамиз доим бир-биридан ўрганиб-ўргатиб келади.

Яқиндагина Шаҳодат Усмонованинг театримизда биринчи бўлиб «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонини олганидан барчамиз хурсанд бўлдик. Уни бу мукофот билан бутун жамоамиз номидан чин дилдан қутлаймиз.

**— Мукофот кишига масъулият юклайди, деб гапиришса, мен нега одамлар бунақа қуруқ гапларни айтишаркан, деб ўйлардим. Энди билсам ростдан агар биз ишлаш давомида нимагадир интилсак, бу интилишни халқимиз, давлатимиз муносиб равишда эътироф этса, бу кишига куч-қувват билан биргаликда катта бир масъулият ҳам юклар экан. Гарчи элнинг назарида юриш ҳар доим ҳам ҳаяжонли бўлса-да, аммо эндиликда ҳар бир айтаётган сўзимиз ҳам, ишимиз ҳам етти бор ўлчовли бўлиши тургган гап, — дейди қаҳрамонимиз Шаҳодат Усмонова.**

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» муҳбири.**
**Самарқанд вилояти.**

*Жаҳон адабиёти дурдоналари*



**Расул ҲАМЗАТОВ**

## ОНА ТИЛИМ

*Ҳамиша тушимга кирар ҳар бало,*
*Бу тун ўлган куним кўрибман аён.*
*Доғистоннинг гўзал ўлкаси аро,*
*Кўксимдан ўқ тешиб, ётибман бежон.*

*Ёнгинамда жилға оқар жўш уриб,*
*Ҳеч кимни ўртамас менинг фироғим.*
*Ўйламабман, тупроққа*
*айланмай туриб,*
*Маҳкамроқ қучайин она тупроғим.*

*Мен ўлиб ётибман, билмайди ҳеч зот,*
*Ҳеч зоғ жасадимга келмайди яқин.*
*Қайдадир бургутлар чекади фарёд,*
*Қайдадир кийиклар инграйди ҳазин.*

*Тепамда ҳеч кимса йиғламайди зор,*
*Бевақт кетди дея, эсга олмайди.*
*Қошимда на онам, на дўст-ёрим бор,*
*Ҳаттоки, йиғичи уввос солмайди.*

*Мен ўлиб ётибман, ётибман бежон,*
*Кимлардир келмоқда водий йўлида.*
*Қулоғимга гапи чалинар шу он,*
*Улар сўзлашмоқда авар тилида.*

*«Доғистон!» аварча жаранглар элас,*
*Эшитган дам кирди жасадимга жон.*
*Ва билдимки, менга табиблар эмас,*
*Фақат она тилим бағишлар дармон.*

*Кимгадир ўзга тил керак муқаррар,*
*Мен у тилда қўшиқ куйлашим гумон.*
*Эртан она тилим йўқолса агар,*
*Мен бугун тайёрман бўлмоққа қурбон.*

*Айтсалар-да авар тили камбағал,*
*Менга она тилим суюкдан суюк.*
*БМТ минбарида тегмаса ҳам гал,*
*Менга она тилим буюкдан буюк.*

*Наҳот, ошиқ Маҳмуд оташ шеърини,*
*Таржимада ўқир аварлик авлод.*
*Наҳотки бу тилга берган меҳрини,*
*Сўнгги шоирлардан бириман, наҳот?!*

*Шукурки, мен борман ҳаёт йўлида,*
*Бутун дунё бўйлаб ошуфта кездим.*
*Идроким етганча авар тилида,*
*Ҳаёт ва юртимнинг васфини ёздим.*

*Юртимдир Болтиқдан Сахалин қадар,*
*Элимга фидоман, билиб қўйинглар:*
*Қайда бўлсам-да мен жон берсам агар,*
*Доғистонга олиб келиб кўминглар.*

*Руҳим шоддир, гоҳо йўловчи, авар,*
*Шу жойдан ўтганда номим ёдласа.*
*Бир қур тош лавҳага ташласа назар:*
*Бунда ётар РАСУЛ ҲАМЗАТ ЦАДАСА...*

**Асрор МЎМИН таржимаси**

**ҲОҲ ИШОНИНГ...**

# СУҚ БАЛОСИ БОР ЭКАН!

Ёшлигимда бирор нарса сотиб олсак ёки онамга нимадир ёқиб қолса, «ишқилиб кўз тегмасин», деб қўярдилар. Мен эса «ойи, жуда ҳам соддасиз-да, шунақа ирим-сиримларга ҳам ишонасизми?» дердим. «Болам, «кўз» бор нарса, ана маҳалламиздаги Нодир отанинг кўзи бор, дейишади. Бирор нарсага қаттиқроқ тикилса ёки норози бўлса, албатта қандайдир кўнгилсизлик содир бўларкан», — дерди.

Бу гапнинг қанчалик ростлигига ўзим гувоҳи бўлгандан кейин ишондим. Бир куни ўртоқларим билан кўча юзида турган эдик. Адҳам ака янги сотиб олган «Нексия»сини ҳайдаб ўтди. Шунда бир неча метр нарида турган Нодир ота қўл кўтарганди, Адҳам ака тўхтамади. Отахон хафа бўлди шекилли, унинг орқасидан нималардир, деб ғудранди норози тарзда. Ишонасизми, машина чамаси юз метрларча юргач, ўзидан-ўзи тўхтаб қолди...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Ҳар куни тушдан сўнг мен мактабдан келиб, сигирларимизни боққани далага олиб чиқардим. Табиийки, йўлим Нодир буванинг уйи олдидан ўтарди. Қош қорайгач, подани уйга ҳайдаб кела бошладим. Катта сигиримиз жуда ҳам кўп сут бергани учун маҳаллада унга кўпчилик харидор эди. Шулар қатори Нодир бобо ҳам. Аммо дадам уни ҳеч кимга сотмади. Аксига олиб, ўша куни чол кўчада турган экан.

Сигиримизни кўрди-ю, «бай-бай ана сигир мана сигир», — деди. Молларни олиб келиб жойига боғладим. Кейин ўз ишим билан уйга кирдим. Бир пайт онамнинг: «Болам, сигирларни қаерда боқдинг?» деган саросимали овози эшитилди. Мен ойимга уларни ҳар кунги жойда боққанимни, фақат келаётганимда Нодир отани кўрганимни айтдим. Бу орада катта сигиримиз ерга чўзилиб ётиб қолганди. Мол дўхтири қўшнимиз эди, тезда айтиб чиқдим.

Сигирни кўздан кечирган қўшнимиз: «Бунинг чораси битта, сўйиб юборасиз, бошқа иложи йўқ»,—деб чиқиб кетса денг. Нима қилишга ҳайрон эдик. Шу орада онам Нодир отанинг уйига югурганча кетиб, ҳаял ўтмай қайтиб келди. Бу пайтда отам қассоб чақириб келмоқчи эди. Аммо онам бунга қатъий тарзда эътироз билдирди. Сўнг исириқ тутатиб, Нодир отанинг кийимидан олиб келган латта парчасини ҳам чўғга ташлаб, сигиримизнинг бошидан обдон айлантириб олди.

— Мана кўрасиз, эрталабгача сигиримиз яхши бўлиб қолади, — деди онам.

Эрталаб уйғондиму сигиримиз ёнига югурдим. Қарасам, ҳақиқатдан ҳам у ҳеч нарса бўлмагандай кавшаниб турарди...

**Муҳаммад ЎРИНБОЕВ**

МАКТУБ

Бу мактубни ўқиб чиққач, турли мулоҳазаларга бордик. «Эълон қилсак, хат эгасига бўлган муносабат ўзгариб, шу пайтгача тинчгина яшаб келаётган эр-хотин ўртасида келишмовчилик пайдо бўлсачи?» деган ўйда эдик. Лекин бизга Фарғонадан ушбу номани йўллаган Дилбархоннинг ўзи яна қўнғироқ қилиб, «имкони бўлса, ёзганларимни ўзгартиришсиз эълон қилсангизлар. Чунки бу воқеалар менинг бошимдан ўтган. Ҳозир ҳам шу аҳвол. Зора, бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлса», дегач, уни чоп этишга қарор қилдик.

# АЙБИМ — АЁЛЛИГИММИ?



«Турмуш ўртоғим билан ишхонада танишганмиз. Икки йил учрашиб юрдик. Яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга далда бўлдик. Хуллас, севишиб турмуш қурдик. Мен тезда оила юмушларига кўникиб кетдим. Оёғим олти, қўлим етти бўлиб, елиб-югуриб, ҳамма ишга улгурардим. Фақат қайнона-қайнотамнинг табиатан қўрс, қўпол муомаласига кўникишим бироз қийин бўлди. Уларнинг уч ўғиллари бўлиб, ҳамма топган даромадини қайнотамга бериши шарт эди. Орадан бир йил ўтиб, Диёра қизим дунёга келди. Она бўлганимдан ниҳоятда бахтиёр эдим. Бир ҳафта ўтгач, туғруқхонадан чиқдик. Уйда қайнона-қайнотамнинг димоғи баланд, менга менсимайгина муомалада бўлишди. Эримнинг ҳам кайфияти яхши эмасди. Бунинг сабабини билардим. Чунки улар ўғил фарзанд кутишганди.

Орадан бир ярим йилча вақт ўтгач, катта қайним уйланди, овсиним Ҳусния ҳам ҳомиладор эди. Энди мен ҳам иккинчи фарзандимга оғироёқ бўлдим. Ҳусниянинг кўзи ёриди — ўғил кўрди. Мен эса яна... қизли бўлдим. Шундан кейин эримнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам менга нисбатан муомаласи кескин ўзгарди.

Энди биз ҳар куни уришардик. Кечалари қизимни қучоқлаб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим. Яратгандан «бу ношукур бандангни ўзинг кечир, ақлини, инсофини бергин, қизларимни ўз паноҳингда асрагин, умрини узун, ризқини бутун, бахтини баркамол этгин», деб ёлвориб сўрардим. Ҳатто қайнона-қайнотам ҳам уч келинга очиқчасига уч хил муносабатда бўлишарди. Ҳусанияни яқинда бўшанган аёл деб, бошларига кўтаришар, қўлини совуқ сувга урдирмай, ҳамма ишни менга юклаб қўйишарди. Ич-ичимдан зил кетарди. Мен биринчи ўринда фарзандимга қарашим эмас, балки оила юмушларига улгуришим керак эди. Устига-устак қизим «кесарево» — жарроҳлик йўли орқали туғилганида ҳамширанинг эҳтиётсизлиги оқибатида боши жароҳатланган экан. Тинимсиз йиғларди. «Қандай қилсам, боламнинг жонига оро кираман?» деб ўзимни тўрт тарафга урардим. Тўрт ойлик бўлганида уни касалхонага ётқизишга мажбур бўлдик. Ҳамма керакли муолажалар қилинди. Уч кундан кейин қизим тиниқиб ухлаётганини кўриб, суюниб кетдим. Суюнардиму, аммо қалбимнинг бир четида ғашлик бор эди. Бунинг сабаби — қайнона-қайнотам бирон марта келиб, ҳолимиздан хабар ҳам олишмади. Яхшиямки, ота-онам, ака-сингилларим бор экан. Бир ҳафтада касалхонадан чиқдик. Уйга келсам... қайнонам ўғлига бизлар учун фалон сўм пул берганини ва буни мен ҳозироқ қайтариб беришимни айтди. Менда шунча пул йўқлигини, ҳаттоки касалхона харажатларини ҳам ота-онам кўтаришганини у киши яхши биларди. Мен «ўғлингиз келсин-чи, бир гап бўлар», дедим. Бир пайт эрим келиб, «Дилбар, пулни бугун топиб бермасак бўлмайди. Кел, яхшиси, акангдан қарз сўра, — деди. Ноилож, акамникига кетдим.

Қайда, аксига олиб янгамнинг тоби қочиб касалхонага тушиб қолибди. Бу аҳволда қарз сўрашга юзим чидамади. Ноилож сотолмай, уйга бордим. Ичкарига кириб, қайнонамга бор гапни айтиб, узр сўрадим.

У киши бу гапни эшитиб, тутақиб кетди ва менга жаҳл қилиб:

— Дадангизга бу гапни мен айтолмайман. Эрингиз кирсин, — деди.

Кечқурун эрим отаси билан гаплашгач, жуда авзойи бузилиб келди. Шу-шу менга энди янаям ёмон муомала қиладиган бўлди. Ҳар куни ярим кечаси соат учда туриб, уй ишларини қилишни бошлардим. «Ҳа, майли, юк кўтарган юзага чиқади, меҳнатдан ким ўлибди? Бу кунлар ҳам ўтар-кетар дердим», ўзимга ўзим.

Мени фақат бир нарса қийнарди. Бу ҳам бўлса, кунлар ойларга, ойлар йилларга эргашиб ўтиб борар, ўртадаги вазият ҳеч юмшамасди. Менинг ҳаётдан кўнглим совуб кетганди.

Орадан кўп ўтмай, Ҳусния энди иккинчи ўғилни туғди. Ростини айтсам, овсинимга фақатгина ҳавас қилдим. Унга нисбатан кўнглимда ҳеч қандай ғаразлик йўқ эди. Қўша-қўша машиналар — «JEEP» дейсизми, «PRADO» дейсизми, карнай-сурнайми, барчаси шай. Катта дабдаба билан чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқишди. Ҳусния фақатгина фарзандига қарар, куни бўйи уйдан чиқмасди. Менинг турмуш тарзим эса ўша-ўша...

Оиламиздагиларнинг менга бўлган муносабати Ҳуснияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Унинг ҳам менга муомаласи ўзгарган, менсимай гапирар, уйда қайнонамга нималарнидир пичирлар, бирпасдан сўнг у киши чиқиб, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб, мени уришаверарди. Буниси ҳам етмагандай, эримнинг менга жеркиб гапиришлари жонимдан ўтиб кетди. Оиладаги ҳамманинг турткилашларига чидаса бўларкан, фақат ишонганинг, суянганинг, борлиғингни унга бахшида қилиб, бир ёстиққа бош қўйган эрингнинг оғир гапини кўтариш қийин бўларкан. Бир куни кечқурун яна у билан жанжаллашиб қолдик.

— Дилбар, сен ўғил туғмайсан! Ана, Ҳусанияни қара, бир эмас, иккитасини туғди, — деса бўладими?

Мен эса:

— Нега ундай дейсиз? Қизни берган Оллоҳим бир куни ўғилни ҳам беради, мен ҳам хоҳламабманми, ўғил туғишни? — дея ҳунграб йиғлаб юбордим.

Ва кўзимга дунё қоронғу бўлиб, кийим-кечакларимни йиғиштириб, кетишга отландим. Буни кўрган, эрим «кетсанг кетавер, аммо шуни билиб қўй, мен ҳеч қачон ортингдан бормайман», деди жаҳл билан. Аъзойи баданим бўшашиб, ўтириб қолдим. Ахийри Аллоҳ ҳаммасини кўриб турибди-ку, менга ҳам атагани бордир, деб ўзимни қўлга олдим. Мана, турмуш қурганимизга ҳам саккиз йил бўлди. Катта қизим олти, кичиги тўрт ёшда. Иккаласи бир-биридан ширин, ақлли. Уларга қарасам, қувониб кетаман, Яратганга шукрона айтаман. Лекин аҳвол ҳалиям шу... Ишонасизми, қайнота-қайнонам қизларимизни ҳали шу пайтгача бирон марта «болажоним, набирагинам», деб эркалаганини эсломайман. Биз — эр-хотиннинг эса дард-ҳасратимиз ичимизда. Бўлак уй олиб чиқиб кетайлик, десак қўлимиз калта. Устига-устак эрим ҳам ота-онасининг йўриғидан чиқолмайди. Хўш, бу ўгай муносабат қачонгача давом этади? Айб мендами? Наҳот улар қиз бола туғиб, тарбиялаганларга Оллоҳнинг мукофоти борлигини тушунмаса? Уймдагилар эса нуқул «Сабр қил, насиб этса, Худойим ўғил ҳам беради», дейишади.

Нима дейсиз, менинг айбим — бу дунёга аёл бўлиб келганимми?!.»

***Фарғоналик Дилбархоннинг мактубини***

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА тайёрлади.**

*2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

# «ЕР БИЛАН ТИЛЛАШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ»

## — дейди хонқалик фермер Шокирбой Хўжаниёзов



Дарҳақиқат, болалигиданоқ деҳқончиликка меҳр қўйган, она ернинг тафтини туйган, бунда униб-ўсаётган ҳар бир гиёҳда ажиб бир мўъжиза кўрган Шокирбой Хўжаниёзов 1994 йилда ўрта мактабни тамомлаб, ўша йилнинг ўзидаёқ Тўрткўл туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежига ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида устозларидан деҳқончиликдек шарафли касбнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Ўқиб ўрганганларидан шундай хулосага келдики, ерга уруғ сочганда, униб чиққан майсаларга ишлов берганда, экинни суғорганда сувга бир қатра меҳр ҳам қўшиб берсангиз, ана шундагина она замин ҳам сиздан ўз саховатини аямас экан.

Аслида Шокирбойнинг падари бузруквори Собиржон ака ҳам кўп йиллар хўжаликда инженер-механик вазифасида ишлаган. Болаларини ҳалол меҳнатга ўргатган. Ҳозир нафақада. Ота-бола ўзаро маслаҳатлашиб, 2005 йилда «Мастура, Дониёр, Достон» фермер хўжалигини ташкил этишди. Кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга кишиларнинг маслаҳатларига амал қилиб, ўзларининг билимлари, куч-ғайратларига суянган фермер хўжалиги аъзолари кам бўлмади. Ўтган сал кам тўрт йил ичида мақташга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Ва бугун уларнинг фермер хўжалиги Хонқа туманида энг илғорлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўз навбатида даромадга, ишнинг ҳажмига қараб, йилдан йилга хўжалик ишчи-аъзолар сонини ҳам ошириб борди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Бугунги кунга келиб, улар қирқ нафарга етди. Аҳил-иноқ бир оилага айланган ишчилар 110 гектар ерга деҳқончилик қилиб, эл-юрт дастурхонига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишмоқда. Фермер хўжалиги бир хил маҳсулот етиштириш билан кифояланмайди. Чунки бундай иш юритилса, олинадиган даромад ана шу бир хил маҳсулот салмоғига қараб қолади, шунинг билан бирга алмашлаб экиш имконияти чекланади. Экин турларини кўпайтириш эса фойдани кескин ошириш баробарида алмашлаб экиш имкониятини кенгайтиради. Масаланинг бу муҳим жиҳатини ҳисобга олган хўжалик аъзолари 40 гектар ерда ғалла, яна шунча майдонда пахта, қолган ерларда эса полиз ва сабзавотлар етиштиришади.

Тумандаги тажрибали миришкор деҳқонлардан бири Қурбонбой ота Ражабов Шокирбой фермерни шундай таърифлайди: **«У деҳқончиликнинг сир-синоатларини ўрганишдан ҳеч қачон эринмайди. Каттани катта, кичикни кичик деб ажратмайди, ҳаммага бир хил муомалада бўлади. Энг муҳими, кекса деҳқонлар билан ҳар доим маслаҳатлашади».**

Қаҳрамонимизнинг ўзи эса камтарлик билан «мени кўпам мақтаманг, асосий суянганларим — Жасур Ортиқов, Улуғбек Рўзметов, Ҳайдар Одамов, Элдор Солаев, Илҳом Рўзметов, Ислом Қурбонбоевлар ҳақида ёзинг. Ана шулар бугунги кун фидойилари», деб қўяди.

Деҳқончилик ишларини изчил йўлга тушириб олган Шокирбой энди янада каттароқ ишларга қўл урмоқчи. Яъни нон, қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган, ҳўл меваларни қуритиб, қадоқлайдиган замонавий технологиялар олиб келишни ҳам режалаштирмоқда. Амалий ҳаракатлар эса бошланди ҳам. Насиб этса яқин орада замондошимиз Шокирбой Хўжаниёзовнинг бевосита саъй-ҳаракати туфайли яна 50 нафар хонқалик ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлишади.

**Ойгул РАЗЗОҚОВА**

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

# АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ...



«Фалокат оёқ остида», деб шуни айтсалар керак-да! Кутилмаганда қизимни машина уриб юборди. Шўрлик болам зарбдан ўн метрга учиб кетибди. Бир ҳафта касалхонада ҳушига келмай ётди. Шифокорлар ҳам умидини узишди. Ўзим етимликда ўсгандим. Мен, синглим ва укамни онамнинг ўзи вояга етказди. Гарчи бугунга келиб онам ҳаммага панд-насиҳат қилиб юрса-да, укам қинғир йўлларга кириб кетиб, бир неча марта қамалди. Синглим ҳам на эрга тегди, на тўғри бўлди. Хуллас, иккаласи ҳам мени куйдиргандан куйдирди. Оиланинг тўнғичи сифатида жонимни жабборга бериб ўқидим, ишладим, пул топдим, турмуш қуриб, икки фарзандли ҳам бўлдим. Аммо тақдирим онамникига ўхшамай кетсин, менинг ҳам эрим вафот этди. Боши очиқ аёлга айланганим учунми, уйим — укам, синглим, қариндошларим учун «вокзал»га айланиб кетди. Бири ўқийман деб келади, бири ишлайман деб. Эркакми, аёлми, ҳаммасининг ҳожатини чиқариш учун жоним ҳалак. Хуллас, кун кўрмадим. Бу ташвишлар камдек, энди бу фалокат...

«Эй Худо, жон керак бўлса, меникини олақол! Фақат қизимни асрагин», деб нола қилавердим. Охим Яратганга етиб борди, саккизинчи куни қизим кўзини очди. Олти ой касалхонага қатнаб, уни оёққа турғазиб олдим.

Аммо онам менинг не аҳволдалигимни кўра била туриб, тушунишни истамади. Кўнглига қарасам, пул етказиб беришим, турмадаги укамнинг орқасидан боришим, шаҳарнинг қайси бир жойида дилини хушлаб юрган синглимни излаб топиб, қишлоққа жўнатишим керак. Майли, мен буларнинг биронтасидан бўйин товламайман. Лекин ҳозир имконим йўқ.

Бозорга чиқиб, рўзғорни сал ўнглагандим, қизимга ёқтирган йигитидан совчи кела бошлади. Қиз болани вақтида эгасига топширмаса бу ҳам бўлмайди. Шаҳарда қиз чиқариш эса осонмас. Хайрият, қуда томон тўйнинг камиқўстини кўтарди. Онамнинг феъли яна айниди.

— Тўйда дастурхонга ароқ қўйиладиган бўлса, тескари омин қиламан,—деб туриб олди.

Шу зормандանинг қўйилиш-қўйилмаслиги фақат менга боғлиқ бўлганида шартта кўчага улоқтирмасмидим? Ўртада қудалар, уларнинг орзу-ҳаваслари бор. Тўйни ўзлари истагандек ўтказишди. Онам кайвониларнинг ичига кириб ўтириш ўрнига ҳамма нарсага аралашаверib, юзимни ерга қаратди. Шу билан нима ўзгарди? Ҳеч нима!

Ўғлим мактабни битирдию, ҳунар ўрганишга киришди. Уйларни европача таъмир қиладиган устага шогирд тушди. Ўзини-ўзи эплаб, яхшигина пул топадиган бўлди.

Йиллар мобайнида ғам-ташвишларим гирдобида аёллигимни унутиб юборган эканман. Қизим турмушга чиқди, ҳадемай ўғлимни уйлайман, ундан у ёғига ҳаётим қандай давом этади? Қариган чоғимда ёлғизланиб қолмасмиканман, деб ўйладим.

Таниш-билишлар орқали Абдували ака билан танишдик. У кишининг беш йил аввал хотини қазо қилган экан. Болалари уйли-жойли бўлишиб, ўзларидан тинчиб кетишган. Учрашдик, гаплашдик, хуллас, турмуш қурдик. У бизникига кўчиб келди. Бу кимларгадир ёқмади. Биринчи навбатта синглимга. Ахир у хоҳлаган пайтида уйимга келиб, ётиб олар ёки истаган нарсасини олиб чиқиб кетарди. Энди уйда унинг учун бегона одам — Абдували ака бор.

Уйимни ўзларига беминнат «меҳмонхона» қилиб олган бошқа қариндошларга ҳам қийин бўлди. Оёқ кийимларини хонанинг ичида тозалайдиганлари, кийимни дуч келган жойга отиб юборадиганлари эримдан дакки эшитди.

Эрим тартиб-интизомни яхши кўрадиган инсон. Шундай экан, бошқалар ҳам қадамини билиб босишсин-да!

Онамдан хафа бўлмайман: қариган, асаблари чарчаган.

— Ёшинг ўтганда эрга тегишга уялмадинг-а, — деб ҳар икки гапининг бирида менга таъна қилади.

Хўш, нега бундан уялишим керак? Ўғил-қизимни вояга етказдим. Уларнинг олдида тили қисиқлик жойим йўқ. Энди ёнимда суянадиган, қувончу ташвишимга шерик бўладиган одам бўлса, бунинг нимаси ёмон? Хоҳ эркакдир, хоҳ аёлдир, ёши ўтаверғани сайин ёлғизликдан қўрқади. Мен мана шу ёлғизликнинг олдини олиш, хотиржам яшаш мақсадида турмушга чиқдим. Наҳот нотўғри қилдим?».

**Гулсума опанинг мактубини СУЮНДИК оққа кўчирди.**


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## «ZEHN-SHANS»

## ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

***Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.***

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

***Машғулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-кавати).
**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.



**Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона ОАЖ "Д" тоифали ҳайдовчиларни**

# ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



***Ойлик маошлар қуйидагича:***

Ҳайдовчилар учун
550 000 дан юқори.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 49.
**ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34**



## «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг, юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

**I. Лицей ва касб-ҳунар коллежларига тайёрлаш бўлими.**

5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини **(Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...)** лицей ва коллежларга тайёрлаш;

**II. Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий милиция мактаби, божхона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.

**III. Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДҲ, ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).

2. **TOEFL** дастури (АҚШ программаси асосида, тилни билувчилар учун)

3. **AITC** дастури (Англия программаси асосида, тилни билувчилар учун)

**IV. Хорижий тилларни ўрганиш бўлими ( гуруҳда 12 киши)**

1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи **(50 000 сўм)**

2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили **(100 000сўм)**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар куни соат **09:00 дан 17:00 гача.** Ўқув маркази раҳбарияти **дарсларнинг сифатини кафолатлайди.** Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

**МАНЗИЛ:** «Ҳадра» меҳмонхонаси, 6-қават.
**МЎЛЖАЛ:** Тошкент давлат цирки биноси ёнида.
**Тел.:** 244-26-09, 244-26-34.



**Ўзбекистон Миллий университетида фаолият юритаётган**

# «ШАҲНУР ИНТЕЛЛЕКТ»

## ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

Абитуриентлар, коллеж ва академик лицей ўқувчиларини математика, физика, химия, биология, тарих, география, чет тили, рус тили, она тили ва адабиёт фанлари бўйича олий ўқув юртларига кириши учун тест синовлари, мактаб ўқувчиларини эса коллежларга ўқишга киришлари учун барча фанлардан тайёрлайди.

Машғулотлар кичик гуруҳларда ташкил этилади. Ҳар бир фан бўйича ҳафтасига 6 соат дарс ўтилади. Назарий материаллар тўлиқ баён этилади. Амалий машғулотлар «Ахборотнома»лар ва тест вариантлари асосида ўтказилади. Дарсларни Ўзбекистон Миллий университетининг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар.

**МАНЗИЛ: Метронинг «Беруний» бекати, Ўзбекистон Миллий университети, Механика-математика факультети 1-қават, 107-хона.**
**ТЕЛЕФОНЛАР: 155-48-50, 422-23-95.**

ҲИКОЯ

# ТАЗАРРУ

*«Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,
Демак саломатдир, сендаги иймон»*
**Ҳисрав ДЕҲЛАВИЙ**

Ойша терма гиламнинг «қиличи»дай ўткир хотин эмасми, келиннинг ҳам сарасини танлаб олди. Саврда тош устидан тикрайиб каттарган сумбулгиёҳдай бирин-кетин каттарган қизларнинг ҳам совчилари бир паслик Қалқама бозоридай гавжум бўлди. Фақат кенжатойи Гулгуна онасининг бўй қизлигидаги каби хушрўй бўлса-да туғма оқсоқлиги боис балоғат ёшидан кейин ҳам туриб қолди. Аммо шунга қарамай, Гулгуна ҳамма опаларидан ўзиб кетиб, тиббиёт билим юртида ўқиб келган. Шу ҳолида ҳам уймаүй юриб, касалларни эплаб эмлашдан чарчамайди. Бундан ташқари, Ойша кампирнинг тарғил пишаги ҳам бор эди.

Ҳа, қачондир уруғ-аймоғида бирорта машҳур полвон ўтган бўлса, ундан етти пушти ғурур туйгани каби юз марта каттартирадиган лупа орқали қараганда айнан йўлбарс боласига ўхшайдиган мушуклар авлоди ўзларининг катта боболарини пеш қилиб, бирор марта мақтанганини ҳеч ким эшитмаган бўлса ҳам, бу жониворлар одамлар билан муносабатда чеки-чегарани яхши билиши бор гап. Қолаверса, Ойша кампир ҳозир уйида яшаётган олғир-талғир пишак[1]нинг катта «момоси»ни ҳам яхши билади. Тўғри, мушук зоти нари борса, 10-15 йилдан зиёд умр кечирмайди. Айниқса, қариб, тишлари тушиб қолгандан кейин тез касалланади. Тишсиз пишак на сичқон, на каламуш тута олади, на ёлчитиб ўлжасига ташланади. Ёшлигида чангакдай чайир тирноғию ўткир тишлари бўлган пишаклар бундайроқ илонга ташланса ҳам бўйнини ғарчча узмасдан қўймайди. Кампирнинг Талғир пишаги қарилик остонасига келиб қолган бўлса ҳам, ҳали тишлари бутун. Онда-сонда тутадиган сичқонини, баъзида чумчуқ болага айланишган илонни калласини шартта узиб, уй остонасига келтириб, «мақтанишини» ва бўғоз бўлганида нафси ўпкон бўлиб кетишини ҳисобга олмаганда, бошқаси жойида. Бу мушукнинг яна бир ғалати томони уй эгаларидан бирорта эркак ҳовлида айланиб юрса, сариқ талғир унинг оёқлари орасидан суйкалиб, у ёқдан-бу ёққа ўтгани-ўтган. Энг ёмони, талғир қорнида боласи бор пайти жуда баднафс бўлиб қолади. Шундай пайтда Ойша кампир пишагига меҳмондан олдин овқат бериб, қорнини тўқлаб қўяди.

Хуллас, Ойша кампир уйида асраган пишакларнинг ҳаммаси кексайганда ёки касаллик, оғир жароҳат туфайли жон таслим қилаётганда албатта бир амаллаб унинг этагига етиб келган, кўзларида ёш ҳиққиллаб турганида уни дарров тушуниб, рози-ризолик берганидан сўнггина осонгина жон берган. Кампир бу пишакларнинг ўлигини сира кўчага улоқтирмаган. «Қилган хизматингга рози бўл! Тонгла қиёматда юз кўришайлик», деб пичирлаб, аста кўтариб бориб, ҳовли четидаги ҳандаққа олиб бориб кўмиб келган. Айтишларича, Ойша кампирнинг отаси мулла Бекназар ҳам ўлар вақтини олдиндан сезиб, ёшлик чоғларида ўйнаб ўсган жойларидан, тош супалардан, мевасини еган тут ва ёнғоқ дарахтларидан, зилол сувини тўйиб ичган чашмалардан, олдига дастурхон ёзган қуни-қўшниларидан, яқинлару бегоналардан рози-ризолик сўраб чиқишга улгурган экан...

Кунлар шу тарзда ўтарди... Гулгуна ҳам 28 ёшга кириб, бўйқизлик вақти ўтиб бораётганидан ич-ичидан куюниб, рангрўйи ҳам сўлиб борарди. Айниқса, тенгтўш дугоналари бирин-кетин куёвга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетгандан кейин, уларни кўриб, куйинмай бўладими?



Қиз энди тўй-томошага ҳам кам борадиган, кўзгуга қарамай қўйганига ҳам анча бўлганди. Феълида инжиқликми, торликми, бепарволикми, шунга ўхшаш алланарса ҳукмини ўтказиб бўлганди. Ишига ҳам аввалгидай қизиқмайди. Баъзида онасига ҳам жеркиб гапиради. Пардоз қутичаси ҳам бир бурчакда оғзи очилиб, анграйиб ётибди. Ўқишни битириб келган йили гулзор четига бир кўрпача бўйи ўсма, хино экканди. Асли қалин қошларига бостириб ўсма қуйса, нақ эртакдаги Қимматнинг ўзи бўлиб кетарди. Ҳозир эса ўша ўсма экиладиган жойни ўт босиб кетганди...

Хотини ўлган ёки ажрашган йигитлардан икки-учтаси одам қўйди.

Уларга онасидан олдин ўзи рад жавобини бериб юборди:

— Менга турмуш қуриш мумкин эмас экан, дўхтирлар айтган!

Бугунги воқеа эса ҳаммасидан бир бошқача фожеа билан якун топди. Гулгуна қиз худди раҳматли отасига ўхшаб, аввалдан пишак зотини ёмон кўрарди. Онасининг ҳар доим пишакни силаб-сийпашини кўриб, ғижиниб юрарди. Бахтга қарши бугун тушлик қилгани уйига келса, талғир айнан Гулгунанинг ётоғига кириб, қамалиб қолган, дастурхонга ўралган нонни биттасини роса тўзитиб еган, ташқарига чиқолмай, гиламнинг четига бўшаниб қўйганди. Бу ҳолни кўрган Гулгунанинг фиғони фалакка ўрлади. Қон босими кўтарилди, шекилли, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Индамай оғилхона тарафга ўтдию, қозиққа илинган ичак ипни олиб, орқасига яшириб талғирни ялингандай алдаб чақириб олиб, бўйнига сиртмоқ солди-да, боғ тўридаги олма шохига осиб ташлади. Очиғи, Гулгуна ғазабнинг зўридан талғирнинг бўғозлигини ҳам унутиб қўйганди. Пишак миёвлашга нафаси етмай, жон талвасасида шундай типирчилаб, беихтиёр туғиб юборди. Битта, иккита, учта. Учдан нари... пуч-да! Сичқондан сал каттароқ жиш болалар уясидан улоқтирилган темирқанот полапонлар каби ерга тушиб, озгини очганча сўлайиб қоларди. Бундай ҳолни сира кўрмаган дўхтир қиз қичқирмоқчи бўлди, овози чиқмади. Кейин ўзига келди-да, тезгина талғир осилган ипни ечиб юборди. Хайрият мушукнинг жони узилмаган экан. Ер билан битта чилпарчин бўлиб ётган болаларига ҳам қарамай, иҳраб-иҳраб, ўқчиб-ўқчиб адоқдаги чашма бўйига судралди...

Кўзи ёриган қизиникига кетган Ойша кампир неварасининг чилласини чиқариб қайтди. Талғирни сўраб-суриштирди. У еру осмонда йўқ эди. Нима бўлсаям бечора мушук бу хонадонга қайтиб қорасини кўрсатмади. Пишаксиз туролмайдиган кампир катта қизининг зотдор мушуги наслидан биттасини асради.

Ниҳоят, орадан вақтлар ўтиб, тешик мунчоқ ерда қолмагани каби Гулгунанинг ҳам бахти очилиб, тенги топилиб, қўшни қишлоқлик «салгина» чўлоққина бўлоқ муаллим йигитга тегиб кетди. Икки ёрти — бир бутун бўлгани рост. Гулгуна келин бўлгач, роса очилиб, тўлишиб, яшнаб кетди. Қошига ўсма қуйганда энди Қимматга эмас, Зумрадга ўхшаб кетарди.

Орадан йил ўтмай бўйида бўлди. Дўхтир эмасми, ойу куни яқинлашганини аниқ билиб, ҳафта бурун онасига одам жўнатди. Ойша кампирнинг ҳамма қизлари дўхтирга бормай, доя кампирсиз осонгина туғиб оларди. Худойим осонидан берса ҳеч гапмас. Бироқ Гулгунага осон бўлмади. Тўлғоқ дарди шундай қаттиқ ва аччиқ келдики, бунақаси камдан-кам бўлади. Тоғ орасидаги қишлоқдан туман марказидаги касалхонага етиб боргунча-ку Гулгуна минг бор ўлиб-тирилди. Ёнида бораётган онажони ҳам, бечора куёв ҳам жонини жабборга бермоққа тайёр бўлди. Туғруқхона эшигига етар-етмас Гулгуна хушидан кетди. Уни махсус замбилда олиб киришди. Зўр-базўр ўзига келтиришиб, боласини қорнидан ёриб олишди. Яшасин тиббиёт аҳли! Она ҳам, бола ҳам омон қолди. Лекин Гулгуна қайта фарзанд кўролмайди. Лекин шу берганига минг бора шукур!..

Шунда Гулгуна ўғилчасининг чилласи чиқмагунча ёнидан жилмаган онажонига бир сирни, тавба-тазарруни айтмасликнинг иложи йўқлигини англади.

— Онажон, ўшанда мен жонивор талғирни ўғирлик қилгани учун бўғозлигини билмасдан осиб қўйган эдим. Унинг зўриқиб, туғиб юборганини ўз кўзим билан кўрганман. Ўшанда мушугингиз мени қаттиқ қарғаган экан. Туғиш азоби қанақа бўлишини Худойим кўзимга кўрсатиб қўйди. Хайриятки, сизга билдирмаган эдим. Агар сиз ҳам қўшилиб қарғаганингизда эди, ўша куни ўзимдан кетиб, қайта дунёни кўрмаган бўлар эдим. Онажон, мени кечиринг, ва... дуо қилинг...

**Ғози РАҲМОН**

[1]Пишак (шева) мушук.

# ЯШАМОҚ ГЎЗАЛ

КЎЗГУ

Ҳаётда рўзғорнинг таъминотини бадастир қилиб қўядиган, болаларига, хотинига ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган, керакли ўринларда муаммоларни ҳал қила оладиган, аёлига ҳам меҳрибон мард эркаклар кўп. Аммо афсуски, беш қўл баробар эмас. Аксинчаси ҳам учраб турадида. Масалан аёл дам олиш кунида уйларни чинни чироғдек тозалаб, ўзи тиккан янги пардалари билан деразаларни безатиб қўяди. Кейин кучук-кучук кир ювиб, дорга ёяди. Эрига, болаларига жуда мазали, тансиқ таом тайёрлашга ҳам улгуради. Шундай пайтда эри кўчадан ширакайф ҳолатда кириб келади-ю, аёл яратган чаманларни кўрмайди, ҳис қилмайди. У нима қилсин, дод солсинми?! Йўқ, бу ҳолда ўзини ҳам, болаларини ҳам, эрини ҳам хафа қилиб қўяди. Оиладан файз-барака кўтарилади. Шайтонга ҳай бермай, ўзини қўлга олсин, аёл. Ахир, у аёл бўлгани учун оқила, масъума, мунис ва дилбар... деган таъриф-тавсифга эга. Шуни эсласин ва бугунги барча юмушларидан ўзи завқ-шавқ олсин. Бу болаларига ҳам юқсин. Юқмаса, ўргатсин. Айниқса, ўғилларини! Бу билан жуда бўлмаса бўлажак келинларини бахтиёр қила олиши мумкин.

Мабодо аёлнинг турмуш ўртоғи рўзғор тебратишда ношуд бўлса, бунга ҳам ношукрчилик қилиб ўтиришдан фойда йўқ. Балким, Яратганнинг ўзи бундай эркакка чаққон, уқувли умр йўлдошини раво кўргандир. Бу аёл ўзида бор яхши фазилатлардан хурсанд бўлса, шукроналар айтса — савоб. Аёл юмшоқ сўзли, гўзал ахлоқли ва сабрли бўлса, ҳар қандай эркакни аста-секин йўлга сола билиши мумкин.

«Ҳар бир аёлнинг хоббиси бўлса, ундан руҳий озуқа олади», дейилган бир мақолада. Бу жуда тўғри! Қалам — менга энг улуғ «хобби». Ёзавераман, чиқса-чиқмаса. Ҳамма нарсани унутаман. Набираларимни бағримга босганимда, хиёл катталари билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашиб, уларнинг минг битта саволларига жавоб берганимда мендан бахтиёр одам йўқ. Қолаверса, китобдан улуғ хобби борми?

Яшамоқ гўзал! Шу сабаб ёнингиздаги халоскорингизни қадрланг, ҳар куни бир марта пешонасидан ўпиб қўйинг, азиз эркаклар! Аёлингиз сизнинг қалбингизга нур таратаяпти, нур!

**Санъат МАҲМУДОВА**

# «ҚОНИ ТОЗА» КЕЛИН ИЗЛАНГ

МУНОСАБАТ

**«Алданган куёв» — 38-сон**

Мақолани ўқидиму, кўз олдимга ўзимнинг мунис онажоним келди. Агар шундай ҳолат онамнинг бошига тушганида борми, Худо сақласин. Ахир ҳар бир онаизор бир кўз билан асраб-авайлаб боққан нуридийдасининг бахтини кўрсам дейди. Гуноҳни кимлар қилдию, жабрини бировлар тортса... Наҳот, она ўз қизини пул, бойлик деб сотса?

Мен бундай аёлларни «она» дейишга нолойиқ деб ҳисоблайман. Келинингизнинг ўзида ҳам айб бор. У молмидики, сотилиб кетаверса, ор-номуси учун курашсин эди, қариндошуруғи бордир, воқеани айтиб, ёрдам сўраса бўларди-ку.

Опажон, хафа бўлманг, ўша маккора келинингизнинг йўриғига билиб туриб йўрғалабсиз. Тўғри, ўғлингизнинг орини ўйлагансиз, сир очилса, оиласи бузилиб кетади, дегансиз. Аммо қачонгача қозоннинг қопқоғини ёпиб юрардингиз. Келинингизнинг қилган ишидан ўғлингизнинг дили пора бўлган, ширингина набирангизнинг кейинги тақдири нима бўлади? Шунинг учун ҳам отабоболаримиз етти авлодини сўраб-суриштириб, кейин келин қилишган-да.

Шу ўринда ўғлингизга ўхшаган йигитларга бир оғиз айтар сўзим бор: «Уйланаётиб кўзингизни каттароқ очинг. Опажон, сиз эса хафа бўлманг, наслингизни давом эттирадиган «қони тоза» келин насиб этади ҳали!»

**Зебинисо ҒАФФОРОВА,**
**ўқитувчи.**

# БЕДАВО ДАРДНИНГ ҲАМ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН



Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ларзага солган ОИВ — одам иммунитет танқислиги синдроми — касаллигидир.

ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи ОИТС ҳисобланади. Бу вирус катта ёшдаги кишиларга юққанда ўртача етти йилдан ўн йилгача авж олиб боради. Касаллик айниқса ёш болаларда жуда тез ривожланади.

Жаҳоннинг ҳар бир мамлакатида ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) ҳамда бу вируслар чақирадиган ОИТС (одам иммунитет танқислиги синдроми) касаллиги жаҳон миқёсидаги муаммога айланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир жаҳонда 40 миллиондан зиёд катта ёшдаги кишилар ва болалар ОИВ/ОИТС касаллигига чалинган.

Одам иммунитет танқислиги вируси инсон организмининг бошқа касалликларга қарши ҳимоя қобилиятини ишдан чиқаради. Дори-дармонлар билан даволаниш ОИВ/ОИТСга чалинганларга нисбатан узоқ умр кўриш имконини беради, лекин бу касалликнинг олдини оладиган вакцина ёки касалликни узил-кесил даволайдиган муолажа ҳали топилгани йўқ.

ОИВ инфекцияси палапартиш жинсий алоқа, стерилланмаган тиббий асбоблар, игна ва шприцлардан фойдаланиш (кўп ҳолларда гиёҳванд моддаларни томирга юбориш учун ишлатилган), устара ёки муолажа учун мўлжалланган бошқа воситаларни ишлатиш, баданнинг бирор жойини кесиб юбориш

**ОГОҲ БЎЛИНГ!**

ёки қон чиқадиган даражада тилиниши, шунингдек, зарарланган қонни қуйиш йўли билан бир одамдан бошқасига юқади. Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги эҳтиётсизликларга йўл қўймаслик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, палапартиш жинсий ҳаёт кечиришдан сақланиш, гиёҳвандликка рўжу қўймаслик — сизни бу хавфли дарддан асраши мумкин.

Булардан ташқари, ОИВ инфекцияси ҳомиладорлик даврида, туғиш ва эмизиш жараёнида онадан болага ҳам юқиши мумкин.

ОИВ инфекциясига чалинганликда шубҳаланган ҳар бир одам шифокор мутахассис билан маслаҳатлашиши ҳамда «Ишонч» хонаси ёки ОИТС марказида исми-шарифи махфий сақланиши кафолатланган ҳолда тегишли йўл-йўриқлар олиш ва тиббий тестдан ўтиш имкониятидан фойдаланиши лозим.

Шуни унутмангки, ОИВ/ОИТС шу касалликка чалинган шахснинг бирор жойига шунчаки тегиш, касал билан қучоқлашиш, қўл бериб кўришиш, йўталиш ё аксириш натижасида ҳам юқмайди.

**Зубайдулла ЁҚУБОВ,**
**Самарқанд вилоят ОИТС маркази бўлими мудири.**

**ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИДА**

***Бугунги кунда замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга бўлган хусусий клиникалар халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида изчил фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай шифо масканларидан бири Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «SHOX»MedCenter клиникасидир.***

# САЛОМАТЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Клиниканинг стационар бўлими бошлиғи Мухтор ШИРИНОВ билан суҳбатимиз қизғин кечди.

— Клиникамизнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин жуда қисқа муддат ичида юртдошларимиз эътиборига тушишга улгурдик. Улар бу ердан ўз дардларига даво топаётганини қайта-қайта эътироф этишмоқда, — дейди суҳбатдошимиз.

**— Албатта, бугунги кунда бундай клиникалар оз эмас. Лекин шундай бўлса-да, ҳозир «SHOX»MedCenterни кўпчилик яхши билишининг сири борми?**

— Сири битта: кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш! Яъни кимлигидан, қаерданлигидан қатъий назар, клиникамиз остонасидан ҳатлаётган ҳар бир инсон биздан мадад истаб келади. Шундай бўлгач, энг аввало беморларга тўғри ва аниқ ташхис қўйишимиз шарт! Лаборатория, УЗИ ва томография орқали беморларга тез ва аниқ ташхис қўямиз.

**— Сизларда асосан қандай касалликлар даволанади?**

— Ошқозон-ичак, юрак-қон томир,ўт пуфаги, жигар, энурез, гижжа, асаб, қабзият, остеохондроз, қандли диабет, буйрак, бронхит, гипертония каби турли хасталикларга керакли муолажа — даволаш хизмати кўрсатаяпмиз.

**— Даволаш усуллари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Керакли тиббий муолажалар билан бирга ҳар хил табиий гиёҳлар билан мижозларимизга хизмат кўрсатаяпмиз. Ундан ташқари физиотерапия, игна, малҳамли массаж муолажалари олиб борилади.

Шу ўринда ўз дардига шифо топаётганларнинг ҳам сўзларини ёзиб олдик.

— Менинг исмим Ҳалима. Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшайман. Анча вақтдан бери оғзим қуриб, тез чарчайдиган, қон босимим ошадиган бўлиб қолган эди. Ундан ташқари бўйним, елкаларим қақшаб оғрирди. Ташхис натижаларидан маълум бўлдики, остеохондрозга чалинган эканман. Клиникадаги тажрибали шифокорларнинг физиотерапия усули, малҳамли массаж ва гиёҳлар ёрдамида қилган даволари фойда берди, мана, энди анча тузукман.

— Мен Бухородан келдим, — дейди Санжар исмли йигит. — Тез-тез шамоллаб, нафас олишда қийналардим. Ҳатто ёз кунлари совуқ нарса еёлмасдим. Қаттиқ йўтал тутарди. Қабзиятдан ҳам неча йиллардан бери азият чекардим. Турли жойларга бориб даволандим, лекин натижаси бўлмади. Бу ернинг таърифини эшитиб келдим. Тиббий текширувлардан ўтиб, муолажаларни ола бошладиму йўталим қолди, қабзиятдан қутулдим...

Бир сўз билан айтганда, аҳоли сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишдек хайрли ишларга дахлдор бўлган **«SHOX»MedCenter** клиникаси жамоаси ўз дардига шифо истаб келаётганларнинг ҳар бирининг кўнглига умид ва ишонч бағишлашга интилмоқда.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи суҳбатлашди.**

**(t)**

**Маълумот учун телефонлар: (+99897)332-56-70, (8371)275-96-22, 266-43-41.**
**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 34- уй. МЎЛЖАЛ: Рус черкови, Халқ банки.**

**ОДАМЛАР ОРАСИДА**

**Бир донишманддан: «Дунёда қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойлик нима?» — деб сўрашибди. У «Сиҳат-саломатлик» — деб жавоб берибди. «Энг олий бахтчи?», — деб сўрашганларида ҳам у: «Сиҳат-саломатлик. Чунки соғлом одамгина ҳар қандай бойлик, бахтга эришиши мумкин», — деган экан.**

# ФИДОЙИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Яқинда олмалиқлик Матлуба Турдиева бизга йўллаган мактубида 73 ёшли отаси Болта ака Турдиевнинг оғир бетоб бўлиб қолганида яқиндан кўмак берган шифокорларга газетамиз орқали миннатдорчилик билдиришимизни сўраган эди. «Дадам аввал уч марта инсульт бўлган эди. Лекин ўшанда ҳам «Кимёгар» шифохонасининг асаб касалликлари бўлими мудири Сайфиддин Субанов бошчилигидаги шифокор ва ҳамширалар жонимизга оро кириб, дадамизни оғир дарддан халос қилган эдилар.» Мана, у киши анча тетик ва соғликлари ҳам кундан-кун яхшиланиб бораяпти. Агар имкони бўлса, ана шундай, ўз бурчини шараф билан адо этаётган инсонлар фаолияти билан яқиндан танишиб мақола ёзсангизлар»,— дея таклиф этганди. Шу боис яқинда Олмалиқ томонга йўлимиз тушганида мактабда номлари зикр этилган шифокорлар билан учрашдик.

— Мен Тошкент тиббиёт институтини тугаллагач, Россияда амалиёт ўтадим. 1988 йилда «Кимёгар» шифохонасида иш бошладим. 1989 йилдан буён асаб касалликлари бўлими мудири бўлиб ишлаяпман. Албатта касбимдан фахрланаман. Шифохонамизда беморлар дардига малҳам бўлиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Яна бошқа не дейин? Кўпам мақтанмайин. Биз ўз бурчимизни бажараяпмиз, холос, — дейди камтарлик билан Сайфиддин Субанов.

Дарҳақиқат, қайси жамоага борсангиз, у ердаги муҳит, ободончиликка албатта эътибор берасиз. Шу ўринда мазкур тиббиёт муассасасидаги тартиб-интизом, озодалик, беморларга кўрсатилаётган ёрдамлар кўнгилдагидек эканлигини сезиш унчалик қийин эмас. Бўлимда асосан инсульт, тутқаноқ, бош мия жароҳати касаллиги билан оғриган беморлар даволанар экан. Жорий йилнинг тўққиз ойида 1189 нафар беморга тиббий кўмак кўрсатилибди. Даволаш жараёнлари эса асосан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида олиб борилади.

Олмалиқ шаҳар бош урологи Муҳиддин Абдусаматов билан эса шаҳар марказий шифохонасида учрашдик. У ўзининг ишлари, эришаётган муваффақиятлари ҳақида сўзлар экан, устозлари Шавкат Каримов, Муҳаббат Расулова, Асадбек Ғайбуллаев, Мухтор Одилов, Фарҳод Оқиловлардан чексиз миннатдор эканлигини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатдан ҳам урология тиббиётнинг энг мураккаб соҳаси. Муҳиддин ака ана шу соҳанинг сир-асрорларини эгаллашда яқиндан ёрдам берган устозларига ҳар қанча раҳматлар айтса арзишини алоҳида таъкидлади. Чунки 22 йилдан буён уролог сифатида фаолият кўрсатиб келаётган бу мутахассис қанчалаб инсонларга яқиндан ёрдам берган. Сийдик тош касаллиги, буйрак шамоллаши, бепуштлик, жинсий аъзолар хасталиги, анемия, буйрак-киста касалликлари билан оғриган қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлди, раҳматлар эшитди.

— Менинг иш вақтим аслида соат $8^{00}$ дан $16^{00}$ гача қилиб белгиланган. Лекин мақтаниш эмасу, ҳали бирор кун кечки тўққиздан вақтлироқ уйга борганимни эслай олмайман. Ахир мададингизга муҳтож бемор сизни кутиб турса, қандай қилиб уни ташлаб кетасиз? Бу касбимизга ҳам, виждонимизга ҳам тўғри келмайди, — дейди Муҳиддин ака.

Биз бир мактуб баҳонасида танишган олмалиқлик бу икки шифокорнинг чин маънода ўз соҳасининг фидойилари эканлигига улар ҳақида билдирилган самимий миннатдорчилик ва дил изҳорларини эшитиб, яна бир карра амин бўлдик. Ниятимиз, уларнинг қўллари ҳеч қачон дард кўрмасин!

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ**
**«Оила ва жамият» мухбири**

# САБРИНАНИНГ САБР КОСАСИ



**Шаҳло ТОШБЕКОВА**

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

— Гули, оқшом ўтган гал борган кафемизга бормаймизми? — деди бир қиз шўх оҳангда. Адашмаса, бу Нигоранинг овози. Ўйин-кулгуни жуда яхши кўради. Ўз-ўзини хурсанд қилса бас.

— Майли, борсак-бораверамиз, ўзиям сенга тўкиб соладиган гапларим кўпайиб кетди. Ҳам ҳасратлашамиз, ҳам кўнгил ёзиб келамиз. Уф, тезроқ иш вақти тугаб қолсайди! — деди Гули.

Сабрина хаёлга берилди. Қандоқ, бахтиёр қизлар-а! Бири-бирига дилдош, сирдош. Сиқилганида, бир-бирига дардини тўкиб таскин топади, ғамларини унутадилар... У-чи? У кимга юрагини оча олади? Ким унинг изтиробларини тинглайди? Ким икки оғиз тасалли, умид бера олади? Ҳеч ким! У шу қадар ёлғизланиб қолдими? Наҳот, ҳаёти шу тарзда ўтиб кетаверса? Маъносиз, мазмунсиз...

Ногоҳ жиринглаган телефон уни чўчитиб юборди. Ўйлари тўзғиб кетди. Дук-дук бесаранжом ура бошлаган юрагини бироз босишга ҳаракат қилгач, гўшакни олди.

— Алло, эшитаман?

— Ассалому алайкум, Сабрина, ҳорманг!

— Саломат бўлинг. — Сабрина Беҳзоднинг овозини дарров таниди. Бундай оҳанрабоси бор овоз камдан-кам учрайди.

— Ҳойнаҳой, ишга бошингиз билан кўмилиб ўтирган бўлсангиз керак. Бироз чалғитай деб қўнғироқ қиляпман-да! Жаҳлингиз чиқмадими, ишқилиб?

— Йўғ-э, нега жаҳлим чиқсин... — Сабрина ўзининг ҳам шу тобда бир суҳбатдошга эҳтиёж сезаётганини йигитга билдириб қўйганидан хижолат тортиб кетди.

Темирнинг қизиғида босишга одатланган Беҳзод муддаога ўтиб қўя қолди:

— Ишингизни қачон тугатасиз?

— Нимайди?.. Соат бешларда.

— Унда, Сабрина, сизни соат бешу ўн бешда парк олдида кутаман. Куттириб қўймассиз?

— А... Нима десамикин? Қанақа бўларкин?.. — Сабрина анчадан буён бунақа таклифни эшитмаганди, таажжуб ва иккиланишдан нима деярини билмай қолди.

— Жуда яхши бўлади. Кўнглимга сизни яқин олганимнинг нимаси ёмон? Ё бунга арзимайманми?

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман...

— Унда келишдик, кўришгунча!

Гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитила бошлади. Сабрина яна ўйланиб қолди. Бормаса, унинг кўнглини чўктириб қўймайдими? Борса-чи? Чиндан ҳам бунинг нимаси ёмон? Беҳзод ёмон йигитга ўхшамайди. Қолаверса, шундай нуфузли идорада ишлайди.

Соат миллари бешга яқинлашгани сари Сабрина икки хил қарорнинг қай бирини танлай олмай, асабийлаша бошлади. Ахийри, кўнглига қарши чиқа олмади. Борди. Дўст бўлса, шундай йигит билан дўстлашади-да!

Кундузи кимсасиз бўлган боғ ёшлар билан гавжум. Музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиладиган жойлар ҳам одамлар билан тўла. Сабрина сувлар сепилган, оқшомги ҳаводан сўлимлашиб кетган йўлакдан кетиб бораркан, атрофга разм солди: Анув қиз йигитидан аразлаган чоғи, ундан икки-уч қадам нарида лаб-лунжини атай осилтирганча кетиб бораяпти. Йигит ҳам унга ялинишни истамагандай, бепарво.

Анавилар бир оила экан – ширингина қизалоқ дадаси қўлларидан ушлаганча ўйноқлаб борарди. Ёнида бежиримгина кийинган жувон... Сабринанинг кўнгли энтикиб кетди. Агар... Агар ҳаёт бир маромда давом этганида, у ҳам ҳозир она бўлармиди?! Улар ҳам мана шулар каби фарзандларини етаклаб, айлангани чиқишарди, ҳамманинг ҳаваси келарди...

— Салом! Сизни ким кутаётганини ҳам ёдингиздан чиқариб юбордингизми?

Сабрина овоз келган томонга ўгирилди. Беҳзод қўлида уч дона алвонранг ғунчани кўтарганча жилмайиб турарди.

— Вой, узр, хаёл билан бўлиб сизни кўрмабман. — Сабринанинг саломлашиш учун узатилган қўлларига Беҳзод бир йўла гулларни ҳам тутқазди.

Улар боғни бироз айланишгач, ўтириб музқаймоқ ейишди. Кейин чеккароқдаги ўриндиқларнинг бирида суҳбатни давом эттиришди.

Беҳзод ўзи, оиласи ҳақида гапириб берди. Айтишича, камхаржроқ оилада улғайибди. Ота-онаси оддий ишчи одамлар экан.

— Оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун хонадоннинг кўп оғирликларини зиммамга олишга мажбурман, — деди у. — Укаларим ҳам одам бўлсин дейман.

Сабрина оиласи, ота-онаси, укалари учун жон куйдирадиган бу йигитга ҳаваси келди. Унинг ҳам укалари бор. Аммо улар моддий қийинчилик нима, татиб кўришмаган. Дадаси улар учун ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўярди. Уйларидаги сейфнинг калитини қаерда туришини ҳамма фарзандлар билар, кимга қанча пул керак бўлса, олаверарди. Фақат нимага ишлатилиши айтилса бас. Рўзғор учун қачон бозорлик қилишини Сабрина билмасди ҳам. Ҳамиша музлаткич егуликларга тўла бўларди. У пулнинг одамлар ҳаётидаги аҳамиятини Беҳзод тимсолида биринчи бор кўраётганди. Юрагида унга нисбатан шафқат ҳисси уйғонди. Унга ёрдам бергиси келди.

Инсон ҳамиша бир дардкашга зор бўлади. Ўзига ҳамиша содиқ сирдош, маслакдош қидиради. Яхши кунида ҳам, бошига ташвиш тушган лаҳзаларда ҳам ана шу ҳамдардига кўнглини ёзгиси келади. Ўртадаги сирлашувлар кўлами кенгая борган сайин меҳр иплари ҳам тобора қаттиқроқ боғланаверади. Бу туйғу эса шубҳасиз, дўстлик манзили томон йўл очади.

Сабрина ҳам Беҳзодни ўзига дўст деб била бошлади. Унинг ҳар бир сўзини, илтимосини самимий қабул қилади. Ишдан толиққан кезларида уни қидиради, қалбини ҳамон эзиб ётган хотираларни унга сўзлаб бериш билан дил ярасига малҳам излайди. Беҳзоднинг икки оғиз тасаллиси, таскини унга умид беради. У билан суҳбатлашганидан сўнг қаердандир яна чарчаган жисмида куч пайдо бўлади. Яна иштиёқ билан яшашга интилади. Чунки у ёлғиз эмас, дўсти бор. У Сабринани тушунади, «Сен бахтли бўласан, албатта!» дейди доим.

## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

* * *

Қизининг кўзлари яна аввалгидай кула бошлаганидан Маҳбуба опанинг кўнглига ёруғлик инди. Ойлар билан ҳусн талашишга қодир дилбандининг бахтсизлиги унинг ҳам сочларига оқ оралатди. Қўни-қўшниларга қўшилолмай қолди. Чунки биров сабр тиласа, биров жўрттага нималар бўлганини сўрайди.

Маҳбуба опанинг ёдида кечаги кун гавдаланди. Туш маҳали сўриток тагига қўйилган стол-стулда сабзи-пиёз тўғраб ўтирган эди, дарвозадан бир аёл мўралади.

— Ассалому алайкум, кеннайи, — у киришга изн сўрагандай эшик табақасини ушлаганча туриб қолди.

— Ва алайкум-ассалом, келинг, — Маҳбуба опа қўлидаги пичоқни қўйиб, меҳмонга пешвоз чиқди.

Улар икки киши экан. Меҳмонхонадаги қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишдан кейин, совчилар муддаога ўтиб қўя қолишди.

— Эшитдик, қизингизнинг тақдири келишмабди. Хафа бўлманг, буни ҳаёт деб қўйибдилар-да! Мана, бизнинг ҳам яккаю ёлғиз инимизнинг бахти ҳеч очилмаяпти. Бир эмас, уч марта уйлаб ҳам... — аёл «қовун тушириб қўйгани»ни билмай қолди, ёнидаги ҳамроҳи хонтахта остидан уни туртиб қўйганидан сўнг бир қизариб олди-да, гапида давом этди: — Энди, юлдузи юлдузига тўғри келмаса қийин экан. Укамиз ўзи тадбиркор, жарақ-жарақ пул топади, уйи ҳам бинойидек...

— Аввалги оилаларидан фарзандлари бордир? — Маҳбуба опага бу ташриф ёқмаган бўлса ҳам кўнглидаги саволни беришдан ўзини тийиб туролмади.

Аёл яна ёнидаги шеригига бир қараб олди. «Қайси бирини айтай?» дегандай нигоҳлари билан ишора қилди.

— Ҳа... бор. Лекин ҳаммаси хотинларида кетган! — гапни илиб кетди иккинчи совчи.

— Қизим ишлаяпти, назаримда, ҳалибери турмуш қуриш нияти йўқ.

— Вой, опажон, қизиқмисиз, эр кўрган жувонни узоқ олиб ўтириб бўлармикан? Қизингизнинг бахтини ўйласангиз, уни тезроқ берворганингиз маъқул.

**(Давоми келгуси сонда)**




## БУЛУТДАН "БУЛУТ" СЎЗИ

Шу ойнинг бошида Нью-Йорк шаҳри узра кўм-кўк осмон бағрида "булут" ("cloud") деган ёзув пайдо бўлди. Ёзувлар беш марта такрорланган эди. Бруклин ва Квинс ту-



манларидан ҳам кўриниб турган бу ёзувларни аслида самолётнинг ортидан қолдириб кетган конденсат излари ҳосил қилган эди. Бу трюкни ўйлаб топган одам эса Нью-Йорклик рассом Рон Инглиш (Ron English) экан.

Ўз ижодий лойиҳасини намойиш этиш олдидан Инглиш завқланиб, булутли ёзув ҳавода ёйилиб кетгач, ўша булутларни сотмоқчилигини билдирган. Аммо бу «ёзув»га харидор чиққан-чиқмаганлиги номаълум.

## ОЧОФАТ ЎҒРИ

Массачусетс штати фуқароси Антонио Жадд хот-дог ўғирлагани учун 18 ойга қамоқ жазосига ҳукм



қилинди. Тергов маълумотларига кўра, Жадд 2009 йилнинг августида шаҳар истироҳат боғларидан бирида тўппончага ўхшаш буюм билан қўрқитиб, бир одамнинг хот-догини тортиб олган ва таомни ўша жойнинг ўзида паққос туширган. Дам олувчилар орқали воқеадан хабар топган полиция Жаддни қўлга олган. Бу вақтда унинг кийимларида хот-догдан сачраган хантал томчилари бор эди. Бу эса Жаддга қарши ашёвий далил сифатида хизмат қилган.

Албатта, биттагина хот-дог учун бир ярим йил қамоқ жазоси берилиши адолатдан эмас, дейишингиз мумкин. Бироқ унинг ўғирлик ишини кўриб чиқиш жараёнида суд Антонио Жадднинг илгари ҳам уч марта турли босқинчилик жиноятларига қўл уриб, қамалиб чиққанини ҳисобга олган.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

ВО АЖАБ!

# ОШДАН ЧИҚҚАН КАЛТАКЕСАК

*"Райим аканинг қизиқ феъли бор эди. Сал кам қирқ йилдан бери шу одамни билардим. Аммо у киши худойи-маъракаларга деярли бормас, борсаям тўрга ўтиб, бирон марта бир чўқим ош ҳам емасди. Дуойи фотиҳа қилингач, шартта туриб кетворарди. Унинг бундай хатти-ҳаракатидан оғринган ўзи тенгилар ва кекса чоллар неча марта танбеҳ ҳам беришган. Шундаям ҳеч кимга қулоқ солмай, ўз билганидан қолмасди".*

**(Ибодулла дўхтирнинг айтганлари)**

*"Бир сафар у киши билан кекса одамнинг маъракасида ёнма-ён ўтириб қолдик. Тиловат қилингач, амаки ҳар доимги одатига кўра, ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди. Аммо одамлар орасидан чиқишнинг ҳеч иложи йўқ. Бунинг устига шу орада дастурхонга палов ҳам тортилди. Икки кишига бир лагандан ош сузилган. У киши эса шунақа асабийлашиб кетяптики, "қани, ошдан олинг!" деганимни биламан, менга ўқрайиб тикилди-да, "ўликнинг ошини емайман!" деб силтаб ташласа бўладими? Қотиб қолдим. Шундаям юмшоқроқ оҳангда "бу энди хайрия, эҳсон-ку!" дегандим, шартта турди-да, одамларни туртиб-суриб маъракадан чиқиб кетди..."*

**(Карим муаллимнинг сўзлари)**



Хулласи калом, ана шу "одам иси ёқмайдиган" кишининг ҳам куни етиб, дунёдан ўтибди. Қариндош-уруғ, фарзандлари маслаҳатлашиб, худойи бериладиган кунни белгилаб, эл-улусни чорлашибди.

Наҳор маҳалига мўлжаллаб катта қозонда ош дамлашибди. Ҳамма йиғилган. Маҳалла оқсоқолининг розилиги олингач, ошпаз қозоннинг қопқоғини кўтариб, энди капгирни қўлига олиб қараса...ошнинг устида катта бир калтакесак «пишиб» турганмиш. Ошпаз бечора нима қиларини билмай, "мен қопқоқни маҳкамлаб ёпувдим, биродарлар, менинг айбим йўқ", деб зир айланармиш. Бирпасда қозон атрофига одам йиғилибди. Ҳамма нарса тайёр, фақат дастурхонга ош тортиш керак. Лекин... энди нима қилиш мумкин? Бу калтакесак қурмагур қаердан келиб тушган экан-а?

Мулоҳаза қилиб ўтиришга вақт борми ўша пайт? Ниҳоят, уй эгалари ва оқсоқол давра тўрида ўтирган, тўқсонни қоралаб қолган отахоннинг ёнига секин бориб, бўлган воқеани тушунтиришибди. Анча ўйланиб қолган мўйсафид охири: «Йўқ, оғайнилар, Оллоҳ буюрмаган экан, энди ошни Оқсувдарёга оқизиб юборинглар. Келганларга рухсат берамиз», деб, дуога қўл очибди...

Бу ажабтовур воқеани эшитганлар турлича талқин қилиб юришди. Кимдир сесканган, яна кимдир ёқа ушлаб «тавба» қилган. Бир чўрткесар одам эса кўнглига келган гапни баралла айтиб юборгани ҳам рост: « Раҳматли таъзияларда қатнашмас, маъракаларда эса ош ейишдан жирканарди, мана, оқибати!»

Ким билади, балки бу гапни айтган одам ноҳақдир, балки?

Аммо не бўлганда ҳам эл-улусдан айрилиб яшашдан асрасин экан...

**Умрзоқ ҚОДИРОВ**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ЁЛҒИЗЛИКДАН ЧАРЧАДИМ

«Дилором билан бир-биримизга кўнгил қўйиб, оила қургандик. Шунча йил тинч-тотув яшаб, чидадик, сабр қилдик. Чунки ўртада фарзанд бўлмади. Бир-биримизсиз яшолмасдик. У «мен бола кўролмас эканман, дўхтирлар айтди, қўйинг, сизнинг ҳам бахтингизни боғламайин, уйланинг» деб отасининг уйига кетиб қоларди. Уни уйга қайтаргунча она сутим оғзимга келарди. Охири тақдирга тан бериб, бор меҳр-муҳаббатини менга бағишлади. Афсуски, унинг ичдан куйиб сиқилиши беиз кетмади: бедаво дардга йўлиқди. Энди ўзим ёлғизланиб қолдим. На илож, қисматимда бор экан. Оила — аёл, унинг меҳри билан нурафшон, файзли бўлар экан.

Ёлғизликдан эзилиб кетдим. Шу сабаб, сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. **Ёшим 68 да.** Биламан, айримлар устимдан кулиши ҳам мумкин. Лекин мени тўғри тушунадиган аёл топилишидан умид қилиб қоламан.

**Комил ота, Тошкент шаҳри».**

## ОТАМ ТЎЙИМНИ КЎРОЛМАДИ

«Отам раҳматли ёлғиз фарзанд бўлганим учун мени еру кўкка ишонмасди. Вояга етсам ҳам уларнинг наздида қизалоқ эдим. Келган совчиларга «ҳали ёш, узатмоқчи эмасман» дерди. Мени унча-мунчага тенг кўрмасди. Онам «дадаси, бу тенгилар бир уйнинг бекаси, фарзандли бўлишяпти» десалар ҳам «шошилма, қизимизга муносиб куёв чиқсин, бир тўй қилайки, ҳамма қойил қолсин», деб мени еттинчи осмонга чиқариб қўярди. Тақдирни қаранг, отамнинг умри қисқа экан, тўйимни кўриш насиб этмади. Онамни ёлғизлатиб қўёлмасдим. Менга ёққан йигит ичкуёв бўлишга рози бўлмади, рози бўлгани менга ёқмади. Йиллар ўтаверди. Онамнинг раъйига қараб, илгари уйланган Аҳмад деган йигитга турмушга чиқдим. Кейин билсак, у хотини билан қонуний ажрашмаган экан. Бошим ғалвадан чиқмай қолди. Ажрашдик. Ҳозир бир ёшли ўғилчам бор. **Ёшим 39 да.** Маълумотим олий. Тошкент шаҳрида онам билан яшайман. Фарзандимга оталик меҳрини бера оладиган, диёнатли инсон учраса, оила қурмоқчиман.

**Дилдора».**

## ТАҚДИРИМИЗ ҚЎШИЛГАН ЭКАН

«Кутилмаганда аёлим қазо қилди. Болаларимни ўйлаб, қайта уйланмайман, деб ўйладим. Уч ўғлимнинг каттаси аввалига уй юмушларини уддалаб юрди. Аммо ўғилнинг ўрни бошқа, қизники бошқа экан-да. У армияга кетгач, қийналиб қолдик. Бир куни қўшнимиз Зумрад хола қўлида «Оила ва жамият» газетасини кўтариб чиқиб қолди. «Жон болам, ўзингиз-ку майли-я, лекин онасини қўмсаб, юраги эзилаётган бу норасидаларингизни баттар қийнаманг. Болаларингизнинг келажагини ҳам ўйланг», деб таҳририятга боришимни маслаҳат берди. Ўйлаб-ўйлаб, икки ҳафта ўтгач, газетага бордим. Тақдири ўзимникига ўхшаш, эри автоҳалокат туфайли вафот этган, битта қизи бор Муҳайё исмли аёлнинг телефон рақамини беришди. Танишдик. Тақдиримиз қўшилиб турган эканми, болаларимни кўриб, меҳри тобланиб кетди. Ҳозир тўкис оила бўлиб, бахтли яшаяпмиз. Сизларга минг раҳмат!

**Нодир».**


## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.
**Тел:** (8-371) 244-73-24, 244-49-02

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.**

Ўқишга қабул ҳар куни

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Педикюр, маникюр** — 1 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ Машғулотлар амалиёти билан
■ Ётоқхона мавжуд

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 234-25-46**
**Котибият: 233-04-35**
**Реклама бўлими: 233-04-50**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 932. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 9223
Навбатчи — **Санобар ФАХРИДДИНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

ISSN 2010–7609

2 3 4 5